

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

«Ҳимояга рухсат»
“АВТ”кафедра мудири
А.Ш.Мухамадиев

“ _____ ” _____ 2016 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Энергия таъминлаш тизимлари” кафедраси web сайтини
яратиш**

Битирувчи	_____	<u>Шарипов М.Х.</u>
	(имзо)	(фамилияси)
Раҳбар	_____	<u>Набиев И.Ш.</u>
	(имзо)	(фамилияси)
Такризчи	_____	_____
	(имзо)	(фамилияси)
ХФХ ва экология бўйича маслаҳатчи	_____	<u>Қодиров Ф.М.</u>
	(имзо)	(фамилияси)

ТОШКЕНТ – 2016 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Факультет: Телевизион технологиялар, кафедра: “Аудиовизуал технологиялар”

Йўналиш (мутахассислик) шифри ва номи: 5330400–“Компьютер графикаси ва дизайн”

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири
Мухаммадиев А.Ш.

« _____ » _____ 2016 й.

Битирув малакавий иш учун

ТОПШИРИҚ

Шарипов Манучехр Хомиджанович

(талабанинг фамилия, исми, шарфи)

1. Иш мавзуси: “Энергия таъминлаш тизимлари” кафедраси web сайтини яратиш.
2. «19» 01,2016 йил. №60-18-сонли буйруғи билан университет бўйича тасдиқланган.
3. Яқунланган ишни топшириш муддати: 01.06.2016 йил
4. Ишга керакли маълумотлар : Илмий адабиётлар ва услубий қўлланмалар.
5. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзуви мазмуни (ишланмаган тегишли саволлар): Кириш. Web дизайн яратиш технологиялари, Web сайт яратишда фойдаланилган дастурий воситалар, Web сайт яратилиш тарихи ва тузилиши, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Хулосалар. Фойдаланилган адабиётлар. Иловалар.
6. График маълумотлар кетма-кетлиги: Презентация ва web саҳифа
7. Топшириқ берилган сана: 20.01.2016 йил

Раҳбар

Набиев И.Ш.

(Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

Топшириқни қабул қилдим

Шарипов М.Х.

(Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

8.БМИ алоҳида бўлимлари бўйича маслаҳат

Бўлим	Раҳбарнинг Ф.И.Ш	Имзо, сана	
		Топширик Бердим	Топширик Олдим
1. Кириш	Набиев И.Ш	20.01.15	20.01.15
2. Web дизайн яратиш технологиялари	Набиев И.Ш.	5.02.15	5.02.15
3. Web сайт яратишда фойдаланилган дастурий воситалар,	Набиев И.Ш.	11.03.15	11.03.15
4. Web сайт тузилиши ва фойдаланувчилар учун қўлланма,	Набиев И.Ш.	13.04.15	13.04.15
5. Техника хавфсизлиги	Қодиров Ф	18.05.15	18.05.15
6. Хулоса	Набиев И.Ш.	26.05.15	26.05.15

9. Ишни бажариш графиги

№	Иш бўлимининг номи	Бажариш муддати	Бажарилиши тўғрисида раҳбар тасдиғи (имзо)
1.	Кириш	20.01.15-4.02.15	
2.	Web дизайн яратиш технологиялари	05.02.15-10.03.15	
3.	Web сайт яратишда фойдаланилган дастурий воситалар,	11.03.15-11.04.15	
4.	Web сайт тузилиши ва фойдаланувчилар учун қўлланма,	13.04.15-16.05.15	
5.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	18.05.15-23.05.15	
6.	Хулоса	26.05.15-02.06.15	

Битирувчи _____
(имзо)

« _____ » _____ 2016й.

Раҳбар _____
(имзо)

« _____ » _____ 2016 й.

Мазмуннома

Ушбу малакавий битирув ишда Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Энергия таъминлаш тизимлари» кафедрасининг веб сайтини яратиш масалалари кўйилган бўлиб, уни яратиш учун зарур бўладиган дастурий воситалардан Apache веб-сервери, PHP технологияси, MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизими дастурий таъминоти танланди ва афзалликлари келтирилди.

Аннотация

В данной выпускной квалификационной работе поставлена задача разработки веб сайта кафедры ТУИТа «Энергия таъминлаш тизимлари». При создании программы были использованы Apache веб-сервер, технология PHP, СУБД MySQL.

Abstract

In this final qualification work tasked with developing a web site of the Department TUIT "Энергия таъминлаш тизимлари" When creating software were used Apache web server technology PHP, database MySQL.

Мундарижа

Кириш.....	6
1 боб. Web дизайн яратиш технологиялари.....	9
1.1 Хозирги кунда web сайтларнинг ҳаётимиздаги муҳим ўрни.....	9
1.2 Web сайт яратишда асосий вазифалар.....	11
1.3 Web технологияларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	13
2 боб. Web сайт яратишда фойдаланилган дастурий воситалар.....	18
2.1 Web сайт яратишда HTML ва динамик HTML нинг ўрни.....	18
2.2 Java Script ёрдамида web сайт яратиш.....	24
2.3 Web дизайн яратишда PHP дастурининг ўрни.....	35

2.4 PHP да маълумотлар базалари билан ишлаш. MySQL маълумотлар базаси.....	40
3 боб. Web сайт яратилиш тарихи ва тузилиши.....	48
3.1 Web сайт яратилиш тарихи.....	48
3.2 Web сайт тузилиши.....	51
4 боб. Хаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология.....	57
4.1 Шахсий компьютер билан жиҳозланган хоналарга бўлган эргономик талаблар ва техник эстетика.....	57
4.2 Меҳнатни муҳофаза қилинишини таъминлаш.....	64
4.3 Барқарор ривожланиш шартлари ва хавфсизлик масалалари.....	68
Хулоса.....	75
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	76

Кириш

Таълим инсон табиати ва унинг ривожи билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. Бу хоҳлаган бир таълимнинг асосий ва устун қонунидир (Дистервег А.). Инсоният турмуш тарзининг ривожланиши янги – янги кашфиётларнинг яратилишига сабаб бўлмоқда. Инсон янгилик яратиш жараёнида ҳар хил тўсиқларга дуч келади ва шу тўсиқларни енгиб ўтиш мобайнида яна янги ихтиролар вужудга келаверади. Лекин хаёт тажрибаларидан маълумки, кўпинча янги кашфиёт маълум бир муаммони хал қилиш жараёнида юзага келади.

Биз сўзсиз компьютернинг яратилишини XX асрнинг буюк кашфиётларидан бири десак янглишмаймиз.

XXI аср эса ахборот технологиялари асри. Юртимизда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинган.

Барча ишлаб чиқариш, бошқарув, таълим ва бошқа барча жараёнларни автоматлаштириш (компьютерлаштириш) ҳамда ундан самарали фойдаланиш замон талабларидан биридир.

Шунингдек, ахборот коммуникация технологияларини таълим соҳасида фойдаланиш жуда катта самара беради ҳамда таълим сифатини оширади.

Давр талабига кўра бугунга келиб ахборот технологияси жуда ривожланиб кетди. Маълумотларни бошқариш, айниқса, ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумотларни бошқариш тизимларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Катта ҳажмдаги маълумотлар базаси ва ахборотлар устида ишлашга тўғри келяпти.

Шуни ҳисобга олган ҳолда ахборот технологияларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиб ва ўрганиб чиққан ҳолда, вояга етаетган ёш авлоднинг онгини, билимини ўстириш учун ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш керак.

Битирув малакавий иши(БМИ)нинг мақсади: Web технологиялари асосида сайт яратишдир. Битирув малакавий ишида ҳозирги вақтда муҳим бир масалалардан бири бўлмиш, Энергия таъминлаш тизимлари кафедрасини автоматизациялаш масаласига қаратилган. Битирув малакавий ишида кафедра билан масофадан туриб ишлаш имкониятини берувчи сайт яратилган. Ярилган сайт қўйидаги хусусиятларни ўз ичига олади, булар Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Энергия таъминлаш тизимлари” кафедраси ҳақида, кафедра тарихи, кафедра таркиби, кафедра ўқув ишлари, илмий ишлари илмий-услубий ишлар, маънавий ахлоқий ишлар ҳақида, янгиликлар бўлими, хамкорлик ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтирилган.

Битирув малакавий ишини бажариш учун қўйидаги вазифалар қўйилди:

- HTML тилини ўрганиб чиқиш ва битирув малакавий ишини бажариш вақтида кенг қўллаш.
- Веб сайтлар ишлаш технологияси келтириш.
- PHP ва JavaScript тили ёрдамида веб саҳифалар дизайнини яратиш

- Маълумотлар омборини ўрганиш, хусусан битирув малакавий иши доирасида MySQL маълумотлар омбори ўрганиш.
- Фойдаланувчилар учун яратилган сайтдан фойдаланиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иши кириш, 4 та боб ва хулосадан иборат бўлиб, биричи боби Web дизайн яратиш технологиялари деб номланиб, ҳозирги кунда web сайтларнинг ҳаётимиздаги ўрни, Web сайт яратишда асосий вазифалар, Web технологияларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Боб якунида юқорида келтирилган маълумотлар асосида битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифаларини баён қилади. Иккинчи боб эса Web сайт яратишда фойдаланилган дастурий воситалар деб номланиб, Web сайт яратишда HTML ва динамик HTML нинг ўрни, JavaScript ёрдамида web сайт яратиш, Web дизайн яратишда PHP дастурининг ўрни, PHP да маълумотлар базалари билан ишлаш ва MySQL маълумотлар базасида ишлаш бўйича маълумотлар келтирилган. 3-боб Web сайт тузилиши ва фойдаланувчилар учун қўлланма деб номланиб, яратилган Web сайт тузилиши, фойдаланувчи учун қўлланмалар келтирилган. 4-бобда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича маълумотлар келтирилган. Битирув малакавий иши якунида хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова келтирилган.

1 БОБ. WEB ДИЗАЙН ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

1.1 Хозирги кунда web сайтларнинг хаётимиздаги муҳим ўрни

Ахборот технологиялари ривожланаётган вақтда веб саҳифалар жуда муҳим ўрин тутди. Сўнги йилларда жамият ўз тараққиётининг янги-информацион босқичига қадам қўйди. Бу авваламбор, бутун жаҳонни қамраб олган информацион глобаллашув жараёни билан бевосита боғлиқдир. Ҳаётнинг барча соҳаларига шиддат билан кириб бораётган ахборот технологиялари кундалик турмушнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб бормоқда.

Ҳозирги кунда интернет асосий мафкура қуролидир. У яхши инсоннинг қўлига тушса яхшиликка, ёмон инсоннинг қўлига тушса гаъразли ниятга хизмат қилиши мумкин. Хабарлар оқими ёрдамида инсон онгини тез ва осон ўзгартириш мумкин.

Интернет тармоғидан энг кўп фойдаланувчилар ҳам ёшлардир. Худди мана шу ерда кетма-кет саволлар туғилади: Бугунги кунда ёшлар интернетдан тўғри фойдаланишяптими? Агар мана шундай бўлса, бунга ким кафолат бера олади? Ёшларнинг интернетдан тўғри ва оқилона фойдаланишлари учун нима қилмоқ керак? Аслида улар интернетни қандай мақсадларда ишлатишлари керак ва биз уларни қандай тўғри йўналтира оламиз?!

Маълумотларга қараганда, "Бугунги кунда миллий ".UZ" доменида рўйхатга олинган сайтлар сони 3000 га яқин, лекин шулар орасида ишлайдиганлари ва муттасил янгиланиб туриладиганлари 1000-1200 тагина холос. Ёш авлодни интеркнит Тармоғидан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Ёш авлодга тарбия бериш йўлларида бири адабиёт яъни алломалар асарлари орқали амалга ошириш лозим. Адабиёт фани қадимдан тарбия воситаси сифатида "адаб ўргатувчи фан" бўлиб келган. Шундай экан бу фанни ўқитиш жараёнида интернет тизимидан самарали фойдаланмоғимиз

керак. Интернет тизими ёмонликка эмас, балким яхшиликка хизмат қилувчи мафкура қуроли бўлмоғи даркор.

<http://www.ziyouz.com> сайтида адабиёт ҳақида жуда кўплаб маълумотлар оладилар. Собир Мирвалиевнинг “Ўзбек адиблари” китобидан олинган адибларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги биографик манбалар, адиблар ижодларидан намуналарни ўқувчилар ўқишлари мумкин.

Яна бундан ташқари ўқитувчи ва ўқувчилар интернет тизимидан нафақат маълумот олиш, балки янги усулда билим олиш воситаси сифатида ҳам фойдаланишлари мумкин. Мавзу ўтиб бўлингач, ўқувчиларга шу мавзу юзасидан маълумотлар тўплаш ҳамда электрон почта орқали ўқитувчига юбориш вазифаси топширилади ва мавзу юзасидан web саҳифа яратиш мақсади қўйилади. Бунда албатта гуруҳ бўлиб ёки якка тартибда ишланади. Web-сайт яратиш осон бўлиб кўриниши мумкин, лекин амалда у анчагина меҳнат талаб қилади. Чунки ижодий иш ёзиш каби ўқувчи ўзгаларнинг фикрлари, қарашларини жамлаган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишлари керак. Мазкур лойиҳа олдида қўйилган вазифалардан бири бу ўқувчиларга web-сайт дизайни санъатини ўргатишдан иборат. Биринчи галда ўқувчилар адабиётга оид сайтларга кириб улар билан танишиб чиқадилар. Бундан асосий мақсад ўша сайтларнинг дизайни, умумий кўриниши, мазмуни билан танишиш бўлади. Шундан сўнг, ўқувчиларга web-сайт учун керакли бўлган маълумотлар: лойиҳа мақсади, сайт яратувчиларининг электрон манзиллари, сайт янгиланишининг охириги вақти ва шу сайт мавзусига яқин бўлган ресурсларни(линкс) топиш топширилади. Адабиётни оммавийлаштириш ишида бўлгани каби, web-сайтга фойдаланувчилар эътиборини жалб қилишга алоҳида аҳамият берилади. Яъни, яъни ушбу сайтнинг нима ҳақида эканлиги ҳақида маълумот берилади, унинг саҳифаларини кўрсатиш тезлиги инобатга олинади.

Республикамизда амалгам оширилаётган ислоҳатлар туфайли Ўзбекистон жамиятининг барча соҳалари, шу жумладан илм-фан ва таълим соҳаларини замонавийлаштириш имкониятига эга бўлмоқда. Шу жиҳатдан

жаҳон тажрибасига таянган ҳолда Адабиёт фанини ўқитишда таълимнинг илғор усуллари, замонавий ахборот технологиялари ва Интернетдан фойдаланиш таълим жараёни самарадорлиги ва сифатини ошириши билан бир каторда Республиканинг жаҳон информатион ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялашувига ҳам кенг имкониятлар яратиб беради.

1.2. Веб сайт яратишда асосий вазифалар

Веб сайт яратишга тайёргарлик қуйидагилардан иборат:

- Веб сайтга жойлаштириш учун матнли маълумотларни йиғиш
- Графикли маълумотларни тайёрлаш, чизмаларни ва расмларни таҳрирлаш (ўлчамини 10-30 Кбайтгача келтириш, форматларни ўзгартириш ва х.к)

- Мурожаатлар бўйича маълумотларни тўғри жойлаштириш учун блоктарҳи тузиш.

- Дизайнларни ишлаб чиқиш.

- Доменда сайт номини танлаш.

Веб сайт номини танлашда, танланган сайт учун логин 6-7 харфдан ошмаслиги ва эсда қолиши осон бўлиши керак.

Веб сайт структураси, яъни ҳужжат ўлчами бўйича кам жой талаб этадиган бўлиши керак. Ҳужжатнинг ўлчами учун иккита юқори чегара мавжуд. Булардан бири, узун ҳужжат узатилишида кўп вақт талаб этилади, шунинг учун ҳам фойдаланувчи унга тез кириб ва ўзи ҳохлагандек орқага тез қайтишда қийинчилик туғилади. Бу кўпинча, албатта маълумот узатиш тезлигига боғлиқ.

Қоида бўйича, ташрифчилар бир вақтнинг ўзида бир неча бетни ўқишга қодир эмаслар. Улар кўпинча биринчи бетдаги маълумотни ўқиб кўришади, агар у ёқмаса, қолган қисмларни варақлаш уларга зерикарли кечади. Шунингдек ташриф буюрувчилар ҳужжатнинг бошидаёқ ундан чиқиб кетишлари мумкин.

Хужжатнинг улчами буйича қуйидагиларга асосан эътибор қаратиш керак бўлади:

- Бошқа маълумотларга рухсат берувчи online, help, menu лар учун 24 чизикдан ошмагани маъқул

- Матнли ҳужжатлар учун-A4 форматда тахминан 2.5 варақ атрофида.

- Ҳажм эквивалентида 1 бетдаги маълумот 1 мегабайтдан ошмаслиги керак, бунга график маълумотларни камайтириш ва унинг ҳажмини қисқартириш орқали осон эришиш мумкин.

Хар қандай ҳужжатнинг фақат битта сарловхаси бўлиши мумкин.

У ҳужжат мазмунини кенг контекстли маънода идентификация қилиб бериши керак.

Сарловха ҳужжат матнининг қисми ҳисобланмайди, лекин у бутун ҳужжатга таалуқли. Унда мурожаатлар, параграфлар белгиси ёки чизиклар бўлиши мумкин эмас. Сарлавха узунлигига чеклашлар мавжуд эмас (қайсиқим улар, автоматик тарзда бошқа берилмалардан генерация қилинган бўлиши мумкин), лекин ҳабар берувчи провайдерлар шуни эсда тутишлари керакки, жуда узун сарловхалар кесиб ташланиши мумкин.

Қайсидир маънода сайт таҳрирланиши мумкин бўлган китобга уҳшаш. Ҳудди шундай текширилиши керак бўлган дастурга ҳам уҳшаши мумкин.

Енг камида, қайсидир гуруҳ одамлари, сайтдаги ҳатоларни тузатиш ва унга ишлов бериш учун маълумотни ўқиши зарур.

Сайтни доменга жойлаштиригандан сўнг, албатта зудлик билан қуйидаги www.yahoo.com; www.yandex.ru; www.rambler.ru; www.google.ru, www.mail.ru излаш тизимларидан бир нечасида руйхатдан ўтиш зарур бўлади. Бу Интернет тармоғидаги фойдаланувчи сизнинг сайтингизни ушбулардан топиш имконига эга бўлсин (ўқув юрт номи, манзили ва х.к.) учун керак бўлади.

1.3. Веб-технологияларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Сўнги йилларда веб сайт яратиш технологиялари сони кескин кўпайиб кетди. Асос ўзгармаган бўлса ҳам, шундай кучли ва қулай технология ва ёрдамчилар пайдо бўлдики, улар ёрдамида энг замонавий, юқори даражадаги веб сайтларни яратиш мумкин бўлиб қолди.

Аввалига веб сайтнинг асосий ишлаш тамойилини кўриб чиқайлик. Фойдаланувчи қайси йўл билан ўз компютери экранида у ёки бу маълумотни кўради?

Браузер ойнасидаги манзиллар қаторига керак бўлган веб сайтнинг адреси терилгач, интернетда HTTP протоколи ёрдамида серверга уланилади ва шу сўров бўйича жавоб қайтади. Кейин эса сўровга мос қайта ишлашлар амалга ошади ёки сўров бўйича серверда жойлашган саҳифа намойиш қилинади ёки сервердаги махсус дастур ишга тушиши мумкин. У дастурнинг иши бу HTML саҳифадаги код ҳисобланади ва уни якуний фойдаланувчи ўз компютерида кўради.

Шундай қилиб веб сайтлар икки хил: статик ёки динамик бўлиши мумкин.

Динамик веб сайтлар статик сайтларга нисбатан бир қатор устунликлари билан ажралиб туради. Масалан:

- Интерфаоллик - саҳифанинг таркибида автоматик ҳосил бўлади, фойдаланувчининг сўровларига жавоб беради ва фақатгина унга зарур бўлган маълумотни намойиш қилади.

- Маълумотларни веб сайт дизайнидан ажратилганлиги - маълумот ихтиёрий қулай форматда сақланиши мумкин ва фойдаланувчининг сўровига биноан ихтиёрий форматда кўриниши ҳам мумкин. Динамик сайтларнинг бу хусусияти саҳифани маълумотларини ва дизайнини тез-тез алмаштириш имконини беради.

Маълумотлар билан мураккаб манипуляцияларни амалга ошириш имконияти, яъни олдинги фойдаланувчи ҳақидаги маълумотларни сақлаб қолиш имконияти.

Веб сайт яратишда статик усулни қўллаш сайт саҳифалари сони 5-10 атрофида бўлган ёки сайтдаги маълумот унчалик тез янгилашиб турилмаган тақдирда ўзини оқлайди. Бу билан сайтнинг ички шакли хатто дастурлаш технологияларига оид билимлари бўлмаган оддий фойдаланувчи учун ҳам тушунарли бўлади, лекин юқорида айтиб ўтилган устунликлардан курук қоламиз. Кўпчилик фикрича, динамик сайтлар статик сайтларга нисбатан маълумотни олиб чиқиш тезлиги паст бўлади, лекин бугунги кунга келиб серверларнинг узатиш тезлиги ошганлиги, йилдан-йилга янги технологиялар чиқиши йўқотишларнинг олдини олмоқда ва бундай фикрларни чиппақка чиқармоқда.

Бугунги кунда веб-серверларда ишлаётган операцион тизимлар булар Microsoft томонидан ишлаб чиқарилган Windows операцион тизими ва ҳар хил ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган Unix (Linux) каби операцион тизимлар ҳисобланади.

Unix каби операцион тизимларнинг энг катта устун тарафи биринчи навбатда, жуда арзон дастурий восита, кўп ҳолатларда эса текин варианти билан ҳам керакли натижага эришиш мумкинлигидир. Нархининг арзон бўлишига қарамай жуда юқори имкониятлари, кенг диапазонли қўлайликлари мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Лекин кўпинча веб сайтларни ички маълумотлар базаси ва ташқи компютер ўртасида интеграция қилишга тўғри келади. Шу пайт мослашувчанлик муаммоси дунёга келади, зеро деярли барча офисларда Windows операцион тизими ишлатилади.

Сўровларга жавоб берувчи ва якунида маълумотларни веб саҳифа кўринишида чиқарувчи дастурий восита веб-сервер дейилади. энг машхур веб серверлар булар Windows операцион тизими остида ишловчи ИИС (Интернет Информацион Сервер) ва Unix каби операцион тизимлар остида ишловчи Apache ҳисобланади, ундан ташқари Apache ҳам Windows операцион тизими билан ҳам ишлаши мумкин.

Сайт саҳифаларига интерфаоллик ёки ўзига хосликни берувчи дастурлаш тилларини умуман олганда икки хил турга бўлиш мумкин. Биринчи - ҳамма ишни сервер тарафда бажарувчи ва фойдаланувчига фақат тайёр саҳифани чиқарувчилар бўлса, иккинчи турдаги дастурлаш тиллари ўз вазифасини фойдаланувчи тарафда бажаради.

Сервер базасида ишловчи динамик сайтлар яратиш учун қулай воситалардан энг машхурлари булар PHP, Perl, Java, ASP, ASP.NET, СИ, ActiveX ва бошқалар киради. Клиент қисми учун мўлжалланган воситаларга HTML, JavaScript, Flash, Macromedia Director, VBScript ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Клиент қисмида ишловчи дастурлаш тилларининг ўзига хослиги, сайт фойдаланувчиси компютери дастурий воситалари билан мос келишини таъминлашдир. Бу нарсани бажариш жуда қийин. Шу сабабдан бундай технологияларни қўллашда хушёрлик талаб қилинади.

Ўз навбатида серверда ишловчи технологиялар фойдаланувчига ҳеч қандай чекловлар қўймайди, бинобарин улар барча маълумотларни оддий HTML кўринишида тақдим этади. энг сезиларли камчилиги шуки, саҳифада бўладиган энг кичик ўзгариш учун ҳам бутун саҳифани қайта юклашга тўғри келишидир. Шу сабабдан веб сайтларни икки гуруҳ технологияларини биргаликда қўллаган ҳолда яратиш ишлатилмоқда. Бу нарса эса интерфейсни тезкорлиги таъминламоқда.

Динамик саҳифа ишлаш схемасини клиентдан олинган сўровдан бошлаб, якунида экранга чиқадиган натижагача тахлил қилиб чиқайлик.

Клиент сўрови веб-серверга интернет орқали келиб тушади, сервер сўровни тахлил қилиб чиқиб, мос келувчи у ёки бу сервер дастурлаш тилларида ёзилган скриптни танувчи дастурни ишга туширади. Бундай дастурлар серверда клиент сўровига алоҳида мустақил жараён сифатида ҳам ишга тушиши мумкин ва оддий дастурлигича қолади, SGI технологияси худди шундай тамойилда ишлайди, лекин унинг камчилиги мавжуд бўлиб, агар бирданига бир неча фойдаланувчилар томонидан сўров амалга

оширилса, сервер юкланиш даражасини орттириб юборади. Шундай қилиб серверда юқорида айтилган дастур ишга тушгач, керакли вақтда фойдаланувчи компютерида мавжуд бўлмаган маълумотлар базасидан фойдаланиши мумкин. Клиентнинг компютери сервердан саҳифани олгач, браузер имкониятидан келиб чиқиб намойиш қилади, ундан ташқари клиент скриптлари ишлашни бошлайди, масалан, JavaScript.

Веб сайтни ишлаб чиқиш жараёни. Веб сайтни яратиш технологияси танланди ва веб сайт физик жиҳатдан қайси серверда туриши ҳам маълум деб ҳисоблайлик. Веб сайтда намойиш қилиш учун маълумотларга эгасиз, бу маълумотлар сифатли структурталаштирилган ҳам дейлик.

Савол туғилади: барча талабларга мос веб сайт яратиш учун нима қилиш керак?

Шундай қилиб, биринчи навбатда қиладиган ишимиз бу барча бўлимларни бирлаштирувчи менюлар рўйхатини тузиб чиқиш ва улар орасидаги боғланишларни тўғри ифодалаб олиш.

Тасаввур қилайлик, биз барча саҳифалардаги меню ва улар орасидаги ўтишларни режалаштирдик. энди ҳеч қандай дизайнга эътибор бермай фақатгина маълумотларни тақдим этишда қулай кўринишдаги саҳифани яратиб олайлик.

Кейинги қадамда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиб сайт дизайнининг бир неча хил турларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ичидан энг мос келувчисини танлаб олиш лозим. Дизайн танлангандан кейин асосий ишга - ҳақиқий саҳифаларни ишлаб чиқишга киришиш мукин. Танланган технологияга қараб веб сайтни ички структурасини ишлаб чиқилади.

Веб сайтдаги маълумотларни янгилаш воситалари. Ҳар қандай веб сайт унга ташриф буюришлари учун ўзида керакли маълумотларни тақдим этиши лозим. Табиийки, веб сайдаги маълумотларни яратиш уни яратилишида фойдаланилган технологияга боғлиқ.

Ахборот технологиялари бугунги кунда инсонлар ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинувида муҳим рол ўйнайди, ундан ташқари массали

маълумотларни тайёрлаш ва узатиш тизимларида муҳим аҳамиятга эга. Бу воситалар бизнинг маданиятимиз билан мослашиб кетади ва фақатгина қулайликлар яратиб қолмай, кўплаб ишлаб чиқариш, ижтимоий, глобализация натижасида вужудга келувчи кундалик ва жаҳон ҳамжамияти интеграциясида, ички ва ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кенгайишида вужудга келувчи барча муаммоларни эчилишида муҳим аҳамиятга эга бўлади

2 БОБ. WEB САЙТНИ ЯРАТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР

2.1 Web сайтни яратишда HTML ва динамик HTML нинг ўрни

HTML (Hyper Text Markup Language) – белгили тил бўлиб, яъни бу тилда ёзилган код ўз ичига махсус рамзларни мужассамлаштиради. Бундай рамзлар ҳужжат кўринишини фақатгина бошқариб, ўзи эса кўринмайди. HTMLда бу рамзларни тэг (тэг – ёрлик, белги) деб аталади. HTMLда ҳамма тэглар рамз-чегараловчилар (< , >) билан белгиланади. Улар орасига тэг идентификатори (номи, масалан B) ёки унинг атрибутлари ёзилади. Ягона истисно бу мураккаб чегараловчилар (<!--ва -->) ёрдамида белгиланувчи шархловчи тэглардир.

Аксарият тэглар жуфти билан ишлатилади. Очувчи тэгнинг жуфти ёпувчи тэг. Иккала жуфт тэг фақатгина ёпувчи тэг олдидан «слэш» (“/”) белгиси кўйилишини ҳисобга олмаганда, деярли бир хил ёзилади. Жуфт тэгларнинг асосий фарқи шундаки, ёпувчи тэг параметрлардан фойдаланмайди. Жуфт тэг яна контейнер деб ҳам аталади. Жуфт тэглар орасига кирувчи барча элементлар тэг контейнери таркиби дейилади. Ёпувчи тэгда зарур бўлмаган бир қатор тэглар мавжуд. Баъзида ёпувчи тэглар тушириб қолдирилса ҳам замонавий браузерлар аксарият ҳолларда ҳужжатни тўғри форматлайди, бироқ буни амалда қўллаш тавсия этилмайди. Масалан, расм кўйиш тэги , кейинги қаторга ўтиш
, база шрифтини кўрсатиш <BASEFONT> ва бошқалар ўзининг , </BR> ва ҳоказо ёпувчи жуфтларисиз ёзилиши мумкин. Нотўғри ёзилган тэг ёки унинг параметри браузер томонидан рад қилинади. (бу браузер танимайдиган тэгларга ҳам тааллуқли). Масалан, <NOFRAME> тэг-контейнери фақатгина фреймларни танийдиган браузер томонидан ҳисобга олинади. Уни танимайдиган браузер <NOFRAME> тэгини тушунмайди.

Тэглар параметр ва атрибутларга эга бўлиши мумкин. Параметрлар

йиғиндиси ҳар бир тэгда индивидуалдир. Параметрлар қуйидаги қоида асосида ёзилади:

- Тэг номидан сўнг пробеллар билан ажратилган параметрлар келиши мумкин;
- Параметрлар ихтиёрий тартибда келади;
- Параметрлар ўзининг номидан кейин келувчи «=» белгиси орқали берилувчи қийматларга эга бўлиши мумкин;
- Одатда параметрлар қиймати « » - «қўштирноқ» ичида берилади;
- Параметр қийматида баъзан ёзув регистри муҳим.

Шуни эсда тутиш лозимки, ҳамма тэглр ўзининг индивидуал параметрига эга бўлишига қарамай, шундай бир қатор параметрлар мавжудки, уларни <BODY> бўлимининг барча тэгларида ишлатиш мумкин. Бу параметрлар CLASS, ID, LANG, LANGUAGE, STYLE ва TITLEлардир.

HTML-ҳужжатини ёзишни бошлашда ишлатиладиган биринчи тэг бу <HTML> тегидир. У ҳар доим ҳужжат ёзувининг бошида бўлиши лозим. Яқунловчи тэг эса </HTML> шаклига эга бўлиши керак. Бу тэглр, улар орасида жойлашган ёзувнинг ҳаммаси бутун бир HTML-ҳужжатини англатишини билдиради. Аслида эса ҳужжат оддий матнли ASCII-файлидир. Бу тэглрсиз браузер ҳужжати форматини аниқлаб, таржима қила олмайди. Кўпинча бу тэг параметрга эга эмас. HTML 4.0 версиясига қадар VERSION параметри мавжуд эди. HTML 4.0 да эса VERSION ўрнига <!DOCTYPE> параметри пайдо бўлди.

<HTML> ва </HTML> орасида 2 бўлимдан ташкил топиши мумкин бўлган ҳужжатнинг ўзи жойлашади. Мазкур ҳужжатнинг биринчи бўлими сарлавҳалар бўлими (<HEAD> ва </HEAD>), иккинчи бўлим эса ҳужжат тана қисмидир (<BODY> ва </BODY>), уни ҳужжат танаси ҳам деб юритамиз. Фрейм тузилиши ҳужжатлар учун <BODY> бўлимининг ўрнига <FRAMESET> бўлимидан фойдаланилади.

Ҳужжатнинг HEAD бўлими

HEAD бўлими сарлавҳа ҳисобланади ва у мажбурий тэг эмас, бироқ мукамал тузилган сарлавҳа жуда ҳам фойдали бўлиши мумкин. Сарлавҳа қисмининг мақсади ҳужжатни таржима қилаётган дастур учун мос ахборотни етказиб беришдан иборат. Ҳужжат номи кўрсатувчи <TITLE> тэгидан ташқари бу бўлимнинг қолган барча тэглари экранда акс эттирилмайди. Одатда <HEAD> тэги дарҳол <HTML> тэгидан кейин келади[10].

<TITLE> тэги сарлавҳанинг тегидир, ва ҳужжатга ном бериш учун хизмат қилади. Ҳужжат номи <TITLE> ва </TITLE> тэглр орасидаги матн қаторидан иборат. Бу ном браузер ойнасининг сарлавҳасида пайдо бўлади (бунда сарлавҳа номи 60 белгидан кўп бўлмаслиги лозим). Ўзгартирилмаган ҳолда бу матн ҳужжатга «закладка» (bookmark) берилганда ишлатилади. Ҳужжат номи унинг таркибини қисқача таърифлаши лозим. Бунда умумий маънога эга бўлган номлар (масалан, Homepage, Index ва бошқалар)ни ишлатмаслик лозим. Ҳужжат очилаётганда биринчи бўлиб унинг номи акс эттирилиши, сўнгра эса ҳужжат асосий таркиби кўп вақт олиб, кенгайиб кетиши мумкин бўлган форматлаш билан бирга юкланишини ҳисобга олган ҳолда, фойдаланувчи ҳеч бўлмаганда ушбу ахборот қаторини ўқий олиши учун ҳужжатнинг номи берилиши лозим.

Ҳужжатнинг BODY бўлими

Ушбу бўлинма ҳужжатнинг таркибий қисмини ўз ичига олади. Бўлинма <BODY> тэгидан бошланиб </BODY> тэгида тугайди. Бироқ ушбу тэглр қатъий мавжуд бўлиши шарт эмас, чунки браузерлар матнга қараб ҳужжат таркибий қисмининг ибтидосини аниқлаши мумкин. <BODY> тегининг бир қатор параметрлари мавжуд бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам мажбурий эмас.

<BODY> тэги параметрлари:

- ALINK – фаол мурожаат (ссылка)нинг рангини белгилайди.
- BACKGROUND – фондаги тасвир сифатида фойдаланилувчи

	тасвирнинг URL-манзилини белгилайди.
BOTTOMMARGIN	– ҳужжатнинг қуйи чегараларини пикселларда белгилайди.
BGCOLOR	– ҳужжат фонининг рангларини белгилайди.
BGPROPERTIES	– агар FIXED қиймати ўрнатилмаган бўлса, фон тасвири айлантирилмайди.
LEFTMARGIN	– чап чегараларни пикселларда белгилайди.
LINK	– хали кўриб чиқилмаган ссылканинг рангини белгилайди.
RIGHTMARGIN	– ҳужжат ўнг чегарасини пикселларда ўрнатади.
SCROLL	– браузер дарчалари ҳаракатлантириш (прокрутка) йўлакларини ўрнатади.
TEXT	– матн рангини аниқлайди.
TOPMARGIN	– юқори чегарасини пикселларда ўрнатади.
VLINK	– ишлатилган мурожаат рангини белгилайди.

BOTTOMMARGIN, LEFTMARGIN, RIGHTMARGIN ва TOPMARGIN параметрлари матн чегараси ва дарча четлари орасидаги масофани пикселларда белгилайди. (Фақат HTML 4.0 версиясидан бошлаб IE браузерлари бу параметрларни таний олади).

BGPROPERTIES параметри фақатгина битта FIXED қийматига эга. HTML даги ранглар ўн олтилик санок тизимида (RGB), ёки ранглар номи ёрдамида берилиши мумкин. Ранглар базаси 3 та рангга – қизил (R), яшил (G) ва кўк (B) рангларга асосланган бўлиб, у RGB деб белгиланади. Ҳар бир ранг учун 00 дан FF гача бўлган ўн олтилик санок тизимидаги қиймат берилади, бу эса 0 дан 255 гача бўлган диапазонга тўғри келади. Сўнгра бу қийматлар бир сонга бирлаштирилади ва уларнинг олдида “#” белгиси қўйилади. Масалан, #800080 сиёҳрангни билдиради.

Мисоллар:

<BODY TEXT = “#000000”> ёки <BODY TEXT = black>

<BODY BGCOLOR = “#ffffff”> ёки <BODY BGCOLOR = WHITE>

<BODY LINK = “#ff0000”> ёки <BODY LINK = RED>

<BODY LINK = “#00FFFF” ALINK = “#800080”> ёки <BODY VLINK = Aqua
ALINK = PURPLE>

Ҳамма бараузлар ўн олтилик санок тизимидаги стандарт ранларни танийди. Булар қуйидагилардир:

Black = #000000

Maroon = #800000

Silver = #C0C0C0

Red = #FF0000

Grey = #808080

Purple = #800080

White = #FFFFFF

Fuchsia = #FF00FF

Green = #008000

Navy = #000080

Lime = #00FF00

Blue = #0000FF

Olive = #808000

Teal = #008080

Yellow = #FFFF00

Aqua = #00FFFF

Агар BGCOLOR параметри рангни номи ёки унинг таркибий қисмларини ўн олтилик санок тизимидаги кодда келтириш вазифаси ёрдамида фон рангини чиқариш учун ишлатилса, BACKGROUND тасвир ёрдамида саҳифага фон беришда фойдаланилади. Тасвир сифатида GIF ёки JPG форматидаги график файллар ишлатилади. HTML-хужжат фонидаги тасвир доимо бутун саҳифани тўлдириб туради. Агар тасвир ўлчами дарча ўлчамидан кичик бўлса, у мозайка тамойилига асосан кўпайтирилади. Одатда фон тасвири сифатида тармоқ орқали юклаш учун унча кўп вақт кетмайдиган кичик тасвир танлаб олинади, ёки фон сифатида шаффоф рельеф логотипи тасвирдан фойдаланилади[10].

Мисол:

<BODY BACKGROUND = texture.gif BGCOLOR = gray>.

Саҳифа яратилишида доимо фон рангини бериш тавсия қилинади. Агар фон тасвири ҳам берилаётган бўлса, фон ва тасвир ранглари бир-бирига яқин бўлгани маъқул.

Мисол:

```
<BODY
    TEXT = BLUE
    LINK = RED
    VLINK = BLUE
    ALINK = PINK
    BACKGROUND=HYPERLINK
"http://www.foo.com/jkorpela/HTML3.2/wave.gif"
```

Мисол:

```
<HTML>
<HEAD>
<TITLE> - саҳифа фонини бериш мисоли </TITLE>
</HEAD>
<BODY BGCOLOR = YELLOW
TEXT = BLACK
LINK = RED
VLINK = PURPLE
ALINK = GREEN>
</BODY>
</HTML>
```

2.2. JavaScript ёрдамида web сайт яратиш

Web саҳифани генерация қилиш жараёнида "клиент-сервер" архитектураси билан боғлиқ равишда дилеммалар ҳосил бўлади. Саҳифалар клиент томонида ҳам сервер томонидаги каби генерация қилинади. 1995 йилда Netscape компанияси мутахассислари клиент томонидаги саҳифаларни генерация қилиш учун махсус дастурлаш тили яратишди ва уни JavaScript деб номдашди.

Шундай қилиб, JavaScript – клиент томонидаги гиперматнли Web-саҳифанинг сценарийларини бошқарувчи тилдир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, JavaScript – бу фақатгина клиент томонидаги дастурлаш тили эмас. JavaScript нинг аждоди Liveware - Netscape сервери томонидаги восита ҳисобланади. Шундай қилиб, JavaScript кўпроқ клиент томонидаги сценарийларни ташкил этувчи тил сифатиди оммавийлашган[3-5].

JavaScript нинг асосий ғояси HTML саҳифаларни кўриш вақтида HTML тэг ва контейнерларнинг атрибутлари, қийматларини ва хусусиятларини ўзгартиришдан иборат. Шу сабаб саҳифани қайта юклаш амалга ошмайди.

Амалиётда буни биз, саҳифа фонининг рангини ёки ҳужжатдаги расм хусусиятларини ўзгартиришда, янги ойна очиш ёки огоҳлантириш бериш жараёнларида яққол кузатишимиз мумкин.

"JavaScript" номи Netscape нинг ўзигагина тегишлидир. Шунга ўхшаш Microsoft томонидан ишлаб чиқилган тилнинг расмий номи JScript деб аталади. JavaScript нинг бир қатор версиялари JScript нинг версиялари билан биргаликда ишлайди (қисман аммо тўлиқ эмас), яъни JavaScript тили JScript тилининг қисм тўплами ҳисобланади.

JavaScript тили ECMA (European Computer Manufacturers Association – Европа компьютер ишлаб чиқариш ассоциацияси) томонидан стандартлаштирилган. Ушбу стандартлар ECMA-262 ва ISO-16262 номларини келтириб чиқарди. Бу стандартлар JavaScript 1.1 га мос тушувчи ECMAScript тилини тақдим этади. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда JavaScript нинг барча турлари ҳам ECMA стандартига мос тушавермайди.

JavaScript нинг объектли модели тушунчаси

Клиент томонидаги саҳифани яратишни бошқаришда ҳужжатнинг объектли механизидан фойдаланилган. Бунда ҳар бир HTML-контейнер-бу объект ҳисобланади ва қуйидаги учликни ташкил этади:

- хусусиятлар
- усуллар

- ҳолатлар

Объектли модел саҳифалар ва браузерлар ўртасидаги боғланиш сифатида кўриниши мумкин. Объектли модел – бу HTML код орқали берилган элементларни объект, усул, хусусият ва ҳолатлар кўринишида таниш ва улар билан ишлаш демакдир. У ёрдамида биз браузерга ва фойдаланувчига мурожаат қилишимиз, хабарлар юборишимиз мумкин. Браузер бизнинг буйруқларимизни бажаради ва экранда саҳифанинг керакли қисмларини ўзгартиради.

Объектлар бир хил типли хусусиятлар, усуллар ва ҳолатлар тўпламини бир хил типли объектлар синфларида бирлаштиради. Объектларнинг ўзлари фақат ҳужжатни браузер ёрдамида юклашда ёки дастурнинг натижаси сифатида намоён бўлади. Ушбу ҳолатни доимо ёдда тутиш керак.

Хусусият

Кўпгина HTML-контейнерларда атрибутлар мавжуд. Масалан, якор контейнерида `<A ...>...` HREF атрибути мавжуд. Ушбу атрибут уни гипер мурожаатга айлантиради:

```
<A HREF=intuit.htm>intuit</A>
```

Агар `<A ...>...` якор контейнерини объект сифатида кўрадиган бўлсак, HREF атрибути "якор" объектини хусусияти ҳисобланади:

```
document.links[0].href="intuit.htm";
```

Барча атрибутлар қийматларини ҳам ўзгартириб бўлавермайди. Масалан график расмларнинг ўлчамлари дастлабки берилган қиймати асосида аниқланади, яъни уларни ўзгартириб бўлмайди. Кетма-кет келган барча расмлар қийматлари ўзининг дастлабки қийматигача масштабланиши мумкин. Microsoft Internet Explorer да расм ўлчамлари ўзгартирилиши мумкин.

Умумийлик учун расм хусусиятлари JavaScript да HTML-разметкада мавжуд бўлмаган объектларга бўлинади. Масалан, восита сифатида Navigator

деб номланувчи объектни, ёки JavaScript даги энг асосий объектлардан – браузер ойнаси объектини олишимиз мумкин.

Усуллар

JavaScript атамаларида объект усуллари унинг хусусиятларини ўзгартирувчи функцияларни англатади[4]. Масалан, "документ" объектида open(), write(), close() усуллар мавжуд. Ушбу усуллар мавжуд ҳужжатнинг қайта ишлаш ёки таркибини ўзгартириш учун хизмат қилади. Оддий мисол келтирамиз:

```
function hello()
{ id=window.open("", "example", "width=400, height=150");
  id.focus(); id.document.open();
  id.document.write("<H1>Салом!</H1>");
  id.document.write("<HR><FORM>");
  id.document.write("<INPUT TYPE=button VALUE='Ойнани ёпиш '");
  id.document.write("<onClick='window.opener.focus();window.close();>");
  id.document.close();
}
```

Ушбу мисолда open() усули ҳужжатга ёзиш оқимини очади, write() усули ушбу ёзишни амалга оширади, close() усули ҳужжатга ёзиш оқимини ёпади. Буларнинг барчаси оддий файлга ёзган каби амалга ошади. Агар ойнада ҳолат сатри мавжуд бўлса (одатда ҳужжатнинг юкланиш даражаси берилади), ҳужжатга ёзиш жараёни тугалланмаган бўлса, ҳужжат юкланиш вақтида унда тўғри тўртбурчак шаклидаги ёзув давом этаётганлигини ифодаловчи белги “кўринади”.

Ҳолат

Усуллар ва хусусиятлардан ташқари объектларни ҳолатлар билан ҳам характерлаш мумкин. Шахсан, JavaScript да дастурлашда ушбу ҳолатларни қайта ишловчи воситалар мавжуд. Масалан, button типдаги объект билан

(INPUT контейнери билан button - "Тугма") click ҳолати амалга ошиши мумкин, яъни фойдаланувчи тугмани босиши мумкин. Бунинг учун INPUT контейнери атрибути click ҳолатни - onClick ҳолатига кенгайтирган. Ушбу атрибут қиймати сифатида HTML ҳужжат муаллифи томонидан JavaScript да тузилган ҳолатни қайта ишловчи дастур кўрсатилади:

```
<INPUT TYPE=button VALUE="Босиш"
onClick="window.alert('Марҳамат, яна бир бор босинг');">
```

Ҳолатларни қайта ишлаш жараёнлари уларнинг ҳолатлари билан боғлиқ контейнерларда кўрсатилади. Масалан, BODY контейнери бутун ҳужжатнинг хусусиятини аниқлайди, шунинг учун бутун ҳужжатни ёпишни қайта ишловчи ҳолат onLoad атрибутининг қиймати сифатида BODY контейнери ичида берилади.

Изоҳ. Қатъий айтиш мумкинки, ҳар бир браузер, Internet Explorer, Netscape Navigator ёки Opera да бўлганидек, ўзининг объектли моделига эга. Турли браузерлар объектли моделлари (ҳатто биттасининг турли версиялари) бир-биридан фарқланади, лекин мантикий таркиби бир ҳилда бўлади.

Кодни HTML-саҳифага жойлаштириш

Дастурлашни энди бошловчилар учун доимо бир савол мавжуд бўлади: "Дастурни қандай жиҳозлаш ва уни қандай бажариш?". Ушбу саволга жавоб бериб кўрамиз, аммо бунда JavaScript-коднинг барча хусусият ва катталиклари ҳақида унутмаслик керак.

Биринчидан, JavaScript-кодни браузерда бажариш. Браузерда JavaScript интерпретатор ўрнатилган. Умуман олганда JavaScript ни қўллашда тўртта функционал усулдан фойдаланиш мумкин:

- гиперматнли мурожаат (URL схема);
- ҳолатни қайта ишловчи (handler);
- подстановка (entity) (Microsoft Internet Explorer нинг 5.X ва юқори версияларида мавжуд);
- вставка (SCRIPT контейнери).

JavaScript бўйича қўлланмаларда JavaScript ни қўлланилиши SCRIPT контейнери орқали берилади. Аммо дастурлаш нуқтаи-назари бўйича бу тўла тўғри эмас, ушбу тартиб қуйидаги саволга жавоб бермайди: JavaScript-код бошқарувни қандай қўлга киритади? Яъни JavaScript да ёзилган ва HTML ҳужжатга жойлаштирилган дастур қандай бажарилади.

HTML ҳужжат муаллифининг малакаси ва билим даражасига қараб JavaScript нинг бир нечта усулларидадан фойдаланиши мумкин.

JavaScript нинг URL-схемаси

URL (Uniform Resource Locator) схемаси – бу Web-технологиянинг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Web да ҳар бир ахборот ресурси ўзининг уникал URL ига эга. URL A контейнернинг HREF атрибутида, IMG контейнернинг SRC атрибутида, FORM контейнерининг ACTION атрибутида ва бошқаларда берилади. Барча URL мулоқот протоколи турига қараб турли қисмларга бўлинади, масалан, FTP-архивга боғланиш учун ftp схема қўлланилади, Gopher-архивга боғланиш учун - gopher схемадан фойдаланилади, электрон почтани жўнатиш учун - smtp схемадан фойдаланилади. Схема тури URL нинг биринчи компонентаси орқали аниқланади: <http://intuit.ru/directory/page.html>

Гиперматнли тизимли дастурлаш тилининг асосий вазифаси гиперматнли ўтишларни дастурлашдир. Бу шуни англатадики, у ёки бу гиперматнли ссилканинг босилиши гиперматнли ўтишни амалга оширувчи дастурни ишга тушуради. Web-технологияда шунга ўхшаш стандарт дастурлар саҳифани юклаш дастурлари ҳисобланади. JavaScript шу стандарт дастурларни фойдаланувчи дастурига айлантиради. HTTP протокол бўйича стандарт ўтишлардан фарқланиш мақсадида JavaScript да алоҳида URL схема жорий этилган:


```
<A HREF="JavaScript:JavaScript_код">...</A>
```

```
<IMG SRC="JavaScript:JavaScript_код">
```

Ушбу ҳолда "JavaScript_код" матни JavaScript даги гипермуружаат босилганда қайта ишлаш дастури ҳисобланади ва кейинги ҳолда расмни юклаш чоғида қўлланилиши келтирилган.

Масалан, **Внимание!!!** номли гиперматнли ссилка босилганда огоҳлантириш ойнасининг очилиши қуйидагича амалга оширилади: (очиш)

```
<A HREF="JavaScript:alert('Внимание!!!');"> Внимание!!!</A>
```



2.1-расм. Маълумот ойнаси

submit типдаги тугмани босиш орқали формадаги матн объекти тўлдирилиши қуйидагича амалга оширилади:

```
<FORM NAME=f METHOD=post
```

```
ACTION="JavaScript:window.document.f.i.VALUE='Сиз Click тугмасини босдингиз';void(0);">
```

```
<TABLE BORDER=0>
```

```
<TR>
```

```
<TD><INPUT NAME=i></TD>
```

```
<TD><INPUT TYPE=submit VALUE=Click></TD>
```

```
<TD><INPUT TYPE=reset VALUE=Reset></TD>
```

```
</TABLE>
```

```
</FORM>
```

URL да мураккаб дастурларни жойлаштириш ва функцияларни чақириш мумкин. Шунинг учун керакки JavaScript нинг бу схемаси барча браузерларда ҳам ишлайвермайди, Netscape Navigator типдаги ва Internet Explorer нинг тўртинчи версиясидан бошлаб ишлайди.

Ҳолатларни қайта ишловчилар

Ҳолатни қайта ишловчи типдаги (handler) дастурлар, шу ҳолатга алоқадор контейнер атрибутида берилади. Масалан, тугма босилган вақтда click ҳолати амалга ошади:

```
<FORM><INPUT TYPE=button VALUE="Тугма"
onClick="window.alert('intuit');"></FORM>
```

Подстановкалар

Подстановкалар (entity) Web-саҳифада жуда кам учрайди. Шунга карамай у HTML-саҳифани браузер томонида генерация қилиш қулай восита ҳисобланади. Подстановкалар HTML-контейнер атрибутининг қиймати сифатида фойдаланилади. Масалан, стандарт ҳолат бўйича форма объектлари маълумотларини жўнатиш учун адрес сифатида жорий саҳифа URL адреси кўрсатилади:

```
<SCRIPT>
function l()
{
  str = window.location.href;
  return(str.length);
}
</SCRIPT>
<FORM><INPUT VALUE="&{window.location.href};" SIZE="&{l()};">
</FORM>
<SCRIPT>
<!--Бу изоҳ ...JavaScript-код...// -->
</SCRIPT>
<BODY>
... Ҳужжат танаси ...
</BODY>
</HTML>
```

Биламизки, ҳужжатнинг сарлавҳа қисмидаги матнлар браузер ойнасида кўринмайди. Шунинг учун бу қисимга ҳужжат танасида чақирилувчи ва ишлатилувчи ўзгарувчилар ва функциялар жойлаштирилади. Бу соҳада Netscape Navigator браузерини Internet Explorer га қараганда биров қатъийроқ. Агар ҳужжат танасидаги функция сарлавҳа қисмида эълон қилинмаган бўлса, ушбу функция аниқланмаганлиги ҳақида хабар беради.

Функцияларни жойлаштириш ва фойдаланишга мисол кўраимиз:

```
<HTML>
```

```
<HEAD>
```

```
<SCRIPT>
```

```
function time_scroll()
```

```
{
```

```
  d = new Date();
```

```
  window.status = d.getHours()+":"+d.getMinutes()+":"+d.getSeconds();
```

```
  setTimeout('time_scroll();',500);
```

```
}
```

```
</SCRIPT>
```

```
</HEAD>
```

```
<BODY onLoad=time_scroll()>
```

```
<CENTER>
```

```
<H1>Ҳолат сатридаги соат </H1>
```

Internet Explorer 4.0 да подстановкалар ишламайди, шу боис улардан фойдаланишда эҳтиёт бўлиш керак. Бунда аввало браузер турини билиш талаб этилади.

Ўрнатиш (SCRIPT контейнери-интерпретаторни мажбурий чақириш)

SCRIPT контейнери – бу подстановка усулининг ривожланган варианты ҳисобланади. Жумладан, SCRIPT одатда Server Side Includes, яъни сервер томонидаги ҳужжатларни генерация қилувчи ҳам деб аталади.

Интерпретатор SCRIPT теглари орасидаги барча қисмни генерация қилади ва шундан сўнг яна HTML қисмга қайтади[4].

SCRIPT контейнери иккита асосий функцияни бажаради:

HTML-хужжатга кодни жойлаштириш;

HTML-разметкаларни браузер томонида шартли генерациялаш.

Биринчи функцияси ўзгарувчилар ва функцияларни жойлаштириш учун қўлланилади. Иккинчиси - бу хужжатни юклаш ёки қайта юклаш вақтида JavaScript код натижасини жойлаштиришдир.

HTML-хужжатга кодни жойлаштириш

Шахсан, бу ерда асосий хилма-хиллик йўқ. Код сарлавҳа контейнери HEAD орасига ҳам, BODY контейнери орасига ҳам жойлаштирилиши мумкин. Сарлавҳа қисмида қўлланилишини кўриб ўтамыз.

Сарлавҳа қисмида код SCRIPT контейнери орасига жойлаштирилади:

```
<HTML>
```

```
<HEAD>
```

```
<SCRIPT>
```

```
function time_scroll()
```

```
{
```

```
  d = new Date();
```

```
  window.status = d.getHours()+":"+d.getMinutes()+":"+d.getSeconds();
```

```
  setTimeout('time_scroll();',500);
```

```
}
```

```
</SCRIPT>
```

```
</HEAD>
```

```
<BODY onLoad=time_scroll()>
```

```
<CENTER>
```

```
<H1>Ҳолат сатридаги соат </H1>
```

```
<FORM>
```

```

        <INPUT      TYPE=button      VALUE="Ойнани      ёпиш      "
onClick=window.close()>
    </FORM>
</CENTER>
</BODY>
</HTML>

```

Ушбу мисолда биз хужжат сарлавҳасида time_scroll() функциясини яратдик ва унга BODY (onLoad=time_scroll()) контейнерининг load ҳолатида муружаат қилдик.

Қуйидаги функцияни яратиш ва чақириш орқали алоҳида ойна яратиш мумкин:

```

function sel()
{
    id = window.open("", "example", "width=500,height=200,status,menu");
    id.focus();
    id.document.open();
    id.document.write("<HTML><HEAD>");
    id.document.write("<BODY>");
    id.document.write("<CENTER>");
    id.document.write("<H1>Change text into child window.</H1>");
    id.document.write("<FORM NAME=f>");
    id.document.write("<INPUT      TYPE=text      NAME=t      SIZE=20
MAXLENGTH=20 VALUE='This is the test'>");
    id.document.write("<INPUT TYPE=button VALUE='Close the window'
onClick=window.close()></FORM>");
    id.document.write("</CENTER>");
    id.document.write("</BODY></HTML>");
    id.document.close();
}
<INPUT TYPE=button VALUE="Ҳолат сатрини ўзгартириш"

```

```
onClick="id.defaultStatus='Салом'; id.focus();">
```

Синфлар иерархияси

Объектга-мўлжалланган дастурлаш тили объектлар дарахтидан ташкил топади. JavaScript да бу иерархик дарахт Window объектидан бошланади, яъни ҳар бир объект у ёки бу ойнада ёзилади.

Умуман айтганда, JavaScript классик объектли тил ҳисобланмайди (уни содалаштирилган объектли тил ҳам дейиш мумкин). Унда меросийлик ва наслдорлик мавжуд эмас. Дастурчи function оператори ёрдамида ўзининг классини, синфини объектини яратиши мумкин, аммо уларни яратишда одатда стандарт объектлардан ҳам фойдаланади. Бу шуни англатадики, JavaScript-дастурнинг амал қилиш соҳаси жорий саҳифа чегарасидан чиқиб кетмайди.

Баъзан JavaScript нинг турли объектларида бир хил номли хусусиятлар бўлади. Бу ҳолда дастурчи қайси объект хусусиятига мурожаат қилаётганини аниқ кўрсатиши керак. Масалан, Window ва Document ларда location хусусияти мавжуд. Фақат, Window учун бу Location синфи объекти, Document – URL да кўрсатилиб юкланаётган ҳужжатни адресини ифодалайди.

Таъкидлаш керакки, кўпгина объектларда объект хусусиятларини оддий қийматга ўзгартирувчи стандарт усуллар мавжуд бўлади. Масалан, стандарт ҳолда барча объектлар учун белгиларни сатрга айлантирувчи усул мавжуд: toString().

2.3 Web дизайн яратишда PHP дастурининг ўрни

Хозирги кунда интернет кенг оммалашгани сабабли, замон тараққиётини веб-технологиясиз тасаввур этиш мумкин эмас. Веб технологияларига талаб ошган сари Web-дастурлаш тилларини билиш ҳар бир дастурчи учун муҳим вазифа саналмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда замонавий веб-дастурлаш тилларидан бири ҳисобланган, содда, ўрганишга

кулай, барча маълумотлар базаси билан ишлай оладиган PHP ҳақида батавсилроқ тўхталишга ният қилдик. Келгусида бу тил ўзбек тилида ёритилиб борилади ҳамда мутахассис ва ўрганувчилар учун форум ташкил қилинади.

PHP тарихи. Кўпгина бошқа дастурлаш тилларидан фарқли равишда, PHP қандайдир ташкилот ёки кучли дастурчи томонидан яратилган эмас. Уни оддий фойдаланувчи Расмус Лердорф 1994 йили ўзининг бош саҳифасини интерактив услубда кўрсатиш учун яратган. Унга Personal Home Page (PHP – шахсий бош саҳифа) деб ном берган.

1995 йили Расмус PHP ни ўзининг HTML формалари билан ишлайдиган бошқа дастур билан умумлаштириб PHP/FI Version 2 (“Form Interpretator”) ҳосил қилди. 1997 йилга бориб PHP дан фойдаланувчи сайтлар 50 мингдан ошди. Шундан сўнг веб технология усталари PHP ғояси асосида мукамал тил яратишга Зива Сураски ва Энди Гутманс асосчилигида киришилди. PHPни самарали деб ҳисобланмагани учун деярли нолдан бошлаб, мавжуд C ва Перл тилларидан ибрат олиб PHP3 талқинини яратилди. 1999 йилга келиб PHP асосида қурилган сайтлар миллиондан ошиб кетди. 2000 йилда эса Zend Technologies ширкати янги кўпгина функцияларни қўшган ҳолда PHP4 шарҳловчисини яратди.

PHP – веб техноогия тили. PHPни ўрганиш учун аввал HTML ва дастурлаш тилидан хабардор бўлиш талаб қилинади. HTML/CSS ва JavaScript ларни мукамал билгувчилар учун PHPни ўрганиш мураккаблик туғдирмайди. PHPнинг вазифаси HTML файлини яратиб бериш. JavaScript ёрдамида бажариладиган кўпгина операцияларни PHP орқали ҳам амалга ошириш мумкин, аммо эътибор қилиш лозимки, PHP – серверда; JavaScript – клиент томонда бажарилади. PHPда ёзилган код сервернинг ўзида бажарилиб, клиентга HTML шаклида етиб боради. Бу ҳавфсизлик жаҳатдан анча мақсадга мувофиқ. JavaScript ёрдамида код ёзиш, маълумот узатиш ва қабул қилишни бироз тезлаштира-да, кодни клиент кўриш имкониятига эга

бўлади. Барибир ҳар иккисини бошқаси боса олмайдиган ўз ўрни бор, равшанки бу ўрин РНРда муҳимроқ ва каттароқ.

РНР имкониятлари

«РНР да ҳар қандай дастур бажарса бўлади», – деган эди унинг яратувчиси. Биринчи навбатда РНР тили сервер томонидан бажариладиган скриптлар яратиш учун фойдаланилади ва айнан шунинг учун у яратилган. РНР тили ихтиёрий CGI-скриптлари масалаларини ечишга ва бундан ташқари html формали маълумотларни қайта ишлашга ҳамда динамик равишда html саҳифаларни ишлаб чиқишга кодир. Бироқ РНР тили фойдаланиладиган бошқа соҳалар ҳам мавжуд. Бу соҳаларни биз учта асосий қисмга бўламиз:

Биринчи соҳа – биз юқорида айтиб ўтганимиздек, сервер томонидан бажариладиган иловалар (скриптлар) яратиш. РНР тили бундай турдаги скриптларни яратиш учун жуда кенг қўлланилади. Бундай иш кўрсатиш учун РНР-парсер (яъни рhp-скриптларни қайта ишловчи) ва скриптларни қайта ишловчи web-сервер, скриптларни натижасини кўриш учун браузер ва албатта рhp-кодини ёзиш учун қандай бўлса ҳам матн муҳаррири керак бўлади. РНР-парсер CGI-дастурлар кўринишида ёки сервер модуллари кўринишида тарқалган. Уни ва web-серверни компьютеримизга қандай ўрнатамиз, биз бу ҳақида кейинроқ кўриб ўтамиз.

Иккинчи соҳа – буйруқлар сатрида бажариладиган скриптларни яратиш. Яъни РНР тили ёрдамида бирор-бир компьютерда браузер ва web-серверлардан мустақил равишда ўзи бажариладиган скриптларни ҳам яратиш мумкин. Бу ишларни бажариш учун ҳеч бўлмаганда РНР-парсер (бу ҳолатда биз уни буйруқлар сатри интерпретатори (CLI, command line interpreter) деб атаймиз) талаб этилади. Бундай ишлаш услуги турли масалаларни режалаштириш ёрдамида бажарилиши учун керак бўлган скриптлар ёки оддий матнни қайта ишлаш учун керак бўлган масалага ўхшаш ишлайди.

Ва ниҳоят охирги учинчи соҳа – бу миждоз томонидан бажариладиган GUI-иловаларни (график интерфейс) яратиш. Бу соҳа PHP тилини эндигина ўрганаётган фойдаланувчилар учун унча муҳим бўлмаган соҳадир. Бирок агарда сиз PHP тилини чуқур ўрганган бўлсангиз, бу соҳа сиз учун анча муҳимдир. PHP тилини бу соҳага қўллаш учун php кенгайтмали махсус ёрдамчи – PHP-GTK талаб этилади.

Шундай қилиб, PHP тилини қўлланилиш соҳалари кенг ва турличадир. Юқоридаги масалаларни еча оладиган бошқа турлича дастурлаш тиллари ҳам мавжуд, унда нима учун PHP тилини ўрганишимиз керак? У тил бизга нима беради? Биринчидан, PHP тили ўрганиш учун жуда қулай. PHP тилини синтаксиси асосий қоидалари ва ишлаш принципи билан етарлича танишиб чиқиб ўзингизни шахсий дастурингизни тузиб кўриб, сўнгра уни бошқа дастурлаш тилларида тузилган вариантлари билан солиштирсангиз бунга гувоҳи бўласиз.

Иккинчидан, PHP тили барча бизга маълум платформаларда, барча операцион тизимларда ҳамда турлича серверларда эркин ишлай олади. Бу хусусият жуда муҳим. Масалан, кимдир Windows операцион тизимдан Linux операцион тизимга ёки IIS сервердан Apache серверга ўтмоқчи бўлса PHP тилини ўрганиши шарт.

PHP дастурлаш тилида дастурлашнинг иккита ҳаммабоп парадигмалари ишлатилади, булар процедурали ва объектли дастурлаш. PHP4 дастурлаш тили процедурали дастурлашни бутунлай қўллаб қувватлайди, бироқ объектли стилдаги дастурларни ҳам қўлласа бўлади. PHP5 дастурлаш тилининг биринчи тестлаш версиясида PHP4 дастурлаш тилида учрайдиган объектга йўналтирилган дастурлаш моделларининг камчиликлари тўлдирилган. Шундай қилиб, ҳозирда таниш бўлиб улгурган ишлаш принципини танлаш керак.

Агарда PHP тилини ҳозирги имкониятлари тўғрисида гаплашадиган бўлсак, у ҳолда биз PHP тилини биринчи версиясидан анча йироқлашиб кетган бўламиз. PHP дастурлаш тили ёрдамида тасвирлар, PDF-файллар,

флэш-роликлар яратиш мумкин; ҳозирги вақтдаги замонавий маълумотлар базасини қўллаб қувватлайди; ихтиёрий матнли файл форматлари билан, ҳамда XML ва файллар тизими билан ишлайдиган функциялар ҳам қўшилган. PHP тили турли сервислар ўртасидаги протоколларнинг ўзаро алоқасини қўллаб қувватлайди. Буларга мисол тариқасида папкаларга киришни бошқариш протоколи LDAP, тармоқ қурилмалари билан ишлайдиган протокол SNMP, маълумотларни узатиш протоколлари IMAP, NNTP ҳамда POP3, гиперматнларни узатиш протоколи HTTP ва бошқаларни олиш мумкин.

PHP дастурлаш тилини турли дастурлаш тиллари ўртасидаги ўзаро алоқасига диққатни қаратсак, бунга Java дастурлаш тилини айтиб ўтиш керакки, Java дастурлаш тили объектларини PHP тили ўз объектлари сифатида қарайди. Объектларга мурожаат сифатида CORBA кенгайтмасидан фойдаланилади.

Матнли ахборотлар билан ишлаш учун PHP тили ўзига Perl дастурлаш тилидаги тартибланган ифодалар билан ишлай оладиган механизмларни (катта бўлмаган ўзгаришларсиз) ва UNIX-тизимини мерос қилиб олади. XML-хужжатларини қайта ишлаш учун стандарт сифатида DOM ва SAX, XSLT-трансформацияси учун API дан фойдаланиши мумкин.

Электрон тижорат иловаларини яратиш учун бир қатор тўловни амалга оширадиган Cybercash, CyberMUT, VeriSign Payflow Pro ҳамда CVS каби фойдали функциялар мавжуд.

Дастурий воситани созлаш ва ўрнатиш

Юқорида PHP тили имкониятларини, қўлланилиш соҳаларини муҳокама қилдик ва тарихини ўргандик. Энди дастурий воситани ўрнатишга керак бўлган ускуналар мажмуини кўриб ўтсак. Модомики, асосий курснинг амалиёти сифатида биз қуйидаги масалаларни кўриб чиқамиз: клиент-сервер технологияси сифатида ишланадиган масалалар, мос равишда скриптлар яратилишида қўлланилиши, серверларни қайта ишлаш. Булар учун бизга

web-сервер ҳамда PHP тили интерпретатори керак бўлади. Web-сервер сифатида, масалан, web-мутахассислар ўртасида машхур бўлган Apache серверни оламиз. Дастур натижасини кўриш учун web-браузер керак бўлади, бунга мисол Internet Explorer.

Денвер Дистрибутиви

Биз юқорида Linux ва Windows платформалари учун PHP дастурий воситасини созлаш ва ўрнатиш билан етарлича танишмиз. PHP дастурий воситаси ва уни ишлаши учун керак бўладиган компоненталарни ўрганишни хоҳламайдиганлар учун PHP дастурининг тайёр PHP тилини тўлдирадиган дистрибутивлари мавжуд. Бундай дистрибутивлар ичида кенг тарқалгани - Денвер (<http://dklab.ru/chicken/web/>). Уни ўрнатишни ўрганиш учун web-мутахассислар сайтларига мурожаат қилиш керак. Денверни ўрнатиш жуда оддий ҳамда унга ҳеч қандай билим талаб этилмаслигини айтиб ўтиш керак. Бу дистрибутивни PHP тилини эндигина ўрганаётган ёш дастурчилар учун тавсия этамиз. Жиддий масалаларни ҳал этиш учун эса PHP дастурлаш тилини тўлиқ ўрнатиш ва созлаш керак бўлади.

PHP дастурлаш тили, сервер томонда дастурлаш, денвер пакети

2.4 PHP да маълумотлар базалари билан ишлаш. MySQL маълумотлар базаси

Маълумотлар базаси ҳақида тушунча

Ушбу бўлим PHP ва MySQL МББС ўртасидаги ҳамкорлик усуллари билан танишишга мўлжалланган. Асосий эътибор маълумотлар базаси билан боғланишни ўрнатиш, сўровлар жўнатиш функциялари ва жавобларни (`mysql_connect`, `mysql_query`, `mysql_result`, `mysql_num_rows`, `mysql_close`) қайта ишлашга қаратилади. Мисол сифатида виртуал тарих музейи маъмурияти учун web-интерфейс тузиш масаласини кўрайлик. PHP дистрибутивида MySQL маълумотлар базаси билан ишлаш учун мўлжалланган функциялар мавжуд. Бунда бу функцияларнинг MySQL даги

баъзи бир маълумотлар базасини тасвирлаш ва тўлдириш мақсадида web-интерфейсларни тузиш имконини берувчи функциялар билан танишамиз. Маълумотлар базасига маълумотларни қўшиш учун web-интерфейс билан ишлашда бу маълумотларни шунчаки html-формага киритиш ва уларни серверга жўнатиш керак бўлади.

Намойиш этишда бу интерфейсни виртуал музей экспонатлари ҳақидаги маълумотлар сақланадиган Artifacts жадваллари учун тузамиз. Artifacts коллекциясидаги ҳар бир экспонат қуйидаги характеристика ёрдамида тасвирланишини эслатиб ўтамиз:

- ном (title);
- муаллиф (author);
- ифода (description);
- ўриндош ном (alternative);
- тасвир (photo).

Номланиш ва ўриндош номланиш узунасига 255 белгидан кам сатр (яъни VARCHAR(255)), тасвирлаш – матнли майдон (TEXT турига мансуб) ҳисобланади, “муаллиф” ва “тасвир” майдонларида эса Persons коллекциясидан муаллифнинг идентификаторлари ва Images коллекциясидан экспонат тасвирларига мувофиқ мавжуд бўлади.

Маълумотлар базаси интерфейси

Маълумотлар базасидаги мавжуд жадвал структурасини (яъни унинг майдонлари жамланмасини) html-формада тасвирлаш учун қуйидаги таркибий топшириқларни режалаштириш мумкин:

- МБ билан уланишни ўрнатиш;
- МБ ишини танлаш;
- Жадвал майдонлари рўйхатини олиш;
- html-формада майдонларни тасвирлаш.

Бундан кейин формага киритилган маълумотларни маълумотлар базасига киритиш мумкин.

Маълумотлар базаси билан боғланиш (MySQL дастури мисолида)

Алоқа ўрнатиш

Маълумотлар базаси билан алоқа ўрнатиш учун **mysql_connect** функциясидан фойдаланилади.

mysql_connect синтаксиси

mysql_connect ресурси (“сервер қатори”, “username”, “password”)

Бу функция MySQL сервери билан алоқа ўрнатади ва бу алоқага кўрсаткич қайтаради ёки муваффақиятсиз чиққанда FALSE кўрсатади.

Одатда қуйидаги параметрлар қиймати эълон қилинади:

server = 'localhost:3306'

username = сервер жараёни эгасидан фойдаланувчи исми

password = бўш парол

Сервер билан уланиш, агар у бунгача **mysql_close()** ёрдамида ёпилмаган бўлса, скриптни амалга ошириш тугалланишида база билан алоқа ёпилади.

Мисол:

```
<?
```

```
$conn = mysql_connect("localhost", "nina","123") or die("Уланишни  
амалга ошириб бўлмайдди: ". mysql_error());
```

```
echo "Уланиш амалга ошди";
```

```
mysql_close($conn);
```

```
?>
```

mysql_connect амали

shell>mysql -u nina -p123 буйруғи билан тенг кучли.

Маълумотлар базаси устида амаллар

Маълумотлар базаларини танлаш

MySQL да маълумотлар базасини танлаш use буйруғи ёрдамида амалга оширилади:

```
mysql>use book;
```

PHP да бунинг учун mysql_select_db функцияси мавжуд.

mysql_select_db: синтаксиси

манتيқий mysql_select_db (database_name қатори);

Бу функция TRUE қийматни маълумотлар базасини муваффақиятли танланганда қайтаради ва FALSE ни эса – аксинча бўлганда.

Мисол: Book маълумотлар базасини танлаш

```
<?
```

```
$conn = mysql_connect("localhost","user","123") or die("Уланишни  
амалга ошириб бўлмади: ". mysql_error());
```

```
echo "Уланиш амалга ошди";
```

```
mysql_select_db("book");
```

```
?>
```

Жадвал майдонлари рўйхатини олиш

PHP да маълумотлар базаси билан боғланилгандан сўнг, ундаги жадваллар рўйхатини олиш мумкин. Бу функция - mysql_list_fields.

mysql_list_fields синтаксиси

mysql_list_fields (database_name қатори, table_name қатори)

mysql_field_name функцияси сўров амалга оширилиши натижасида олинган майдон номини қайтаради. mysql_field_len функцияси майдон узунлигини қайтаради. mysql_field_type функцияси майдон типини қайтаради, mysql_field_flags функцияси эса пробел билан ёзилган майдон байроқлари рўйхатини қайтаради. Майдон типлари int, real, string, blob ва ҳ. бўлиши мумкин. Байроқлар not_null, primary_key, unique_key, blob, auto_increment ва ҳ. бўлиши мумкин.

Бу барча буйруқлар синтаксиси бир хил:

mysql_field_name (result қатори, бутун field_offset) ресурси;

mysql_field_type (result қатори, бутун field_offset) ресурси;

mysql_field_flags (result қатори, бутун field_offset) ресурси;

mysql_field_len (result қатори, бутун field_offset)

Бу ерда result – бу сўров натижаси идентификатори (масалан, mysql_list_fields ёки mysql_query функциялар билан жўнатилган сўров), field_offset эса – натижадаги майдоннинг тартиб рақами.

mysql_num_rows(result ресурси) буйруғи result нинг кўпгина натижалари қаторлари миқдорини қайтаради.

Мисол: Artifacts (экспонатлар коллекцияси) жадвали майдонлари рўйхатини олиш.

```
<?
```

```
$conn = mysql_connect("localhost","user","123") or die("Алоқа ўрнатиб  
бўлмади: ". mysql_error());
```

```
echo "Алоқа ўрнатилди";
```

```
mysql_select_db("book");
```

```
$list_f = mysql_list_fields ("book","Artifacts",$conn);
```

```
$n = mysql_num_fields($list_f);
```

```
for($i=0;$i<$n; $i++){
```

```
    $type = mysql_field_type($list_f, $i);
```

```
    $name_f = mysql_field_name($list_f,$i);
```

```
    $len = mysql_field_len($list_f, $i);
```

```
    $flags_str = mysql_field_flags ($list_f, $i);
```

```
echo "<br>Майдон номи: ". $name_f;
```

```
echo "<br>Майдон тури: ". $type;
```

```
echo "<br>Майдон узунлиги: ". $len;
```

```
echo "<br>Майдон байроқлари қатори: " . $flags_str . "<hr>";
```

```
}
```

```
?>
```

Натижа сифатида тахминан қуйидагиларни олиш мумкин (албатта, жадвалда иккита майдон бўлганда):

- Майдон номи: id
- Майдон тури: int
- Майдон узунлиги: 11
- Майдон байроқлари қатори:
not_null primary_key auto_increment
- Майдон номи: title
- Майдон тури: string
- Майдон узунлиги: 255
- Майдон байроқлари қатори:

html-формада майдонлар рўйхатининг акс этиши

Майдон ҳақидаги маълумотни html-форма элементида акс эттирамыз. BLOB туридаги элементларни textarea га ўтказамиз (TEXT турида биз тузган description майдони BLOB типига эга), рақамлар ва қаторларни <input type=text> матнли қаторларида акс эттирамыз, автоинкремент белгисига эга элементни эса умуман акс эттирмаймыз, чунки унинг маъноси ўз-ўзидан ўрнатилади.

Бунинг учун explode функциясидан фойдаланилади:

explode: синтаксиси

explode массиви (separator қатори, string қатори , int limit)

Бу функция string қаторини separator тақсимлагичи ёрдамида қисмларга бўлади ва олинган қаторлар массивини қайтаради.

Бизнинг ҳолатда тақсимлагич сифатида пробел “ ” ни олиш кера, бўлиш учун бошланғич қатор сифатида эса – майдон байроқлари қаторини.

Мисол. Artifacts жадвалига маълумот киритиш учун форма (index.php)

```
<?php
```

```
$dblocation = "localhost";
```

```
$dbname = "book";
```

```

$dbuser = "root";
$dbpasswd = "";
$dbcnx = @mysql_connect($dblocation,$dbuser,$dbpasswd);
@mysql_select_db($dbname,$dbcnx);
if(isset($_POST['save_hide'])) {
$title=($_POST['title']);
$query = "INSERT INTO Artifacts (title) VALUES ('$title')";
if(@mysql_query($query))
{
        echo      "<HTML><HEAD><META      HTTP-EQUIV='Refresh'
CONTENT='0; URL=index.php'></HEAD></HTML>";
        } else { print mysql_error(); error("Маълумотни базага езишда
хатолик");}
} else {
?>
<TABLE width="100%" align=center border=0><TR><TD>
<form method="POST" name="save" action="" enctype="multipart/form-
data" >
<input type=hidden name=save_hide value=save_hide>
<TABLE width="100%" align=center border=0><TR>
<TD>Экспонат номини киритинг </TD>
<TD><INPUT class="input" size="35" name="title" value=""></TD>
</TR></TABLE>
<input type="submit" value="Saqlash" class="batton" />
</form></TD></TR></TABLE>
<? } ?>

```

Маълумотлар базасига маълумотлар ёзиш

Маълумки, маълумотларни жадвалга ёзиш учун SQL тилидаги INSERT буйруғи ишлатилади:

```
mysql> INSERT INTO Artifacts SET title='Eksponat nomi';
```

PHP скриптда бундай буйруқдан фойдаланиш учун `mysql_query()` функцияси мавжуд.

`mysql_query` синтаксиси

mysql_query ресурси (*query қатори*)


`mysql_query()` SQL-сўровни MySQL маълумотлар базасининг маълумотлар базасига жўнатади. Агар очик алоқа бўлмаса, функция параметрсиз `mysql_connect()` функциясига ўхшаш ҳолда МББТ билан боғланишга уринади.

Сўров натижаси буферланади.


3 БОБ WEB САЙТ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ ВА ТУЗИЛИШИ.

3.1 Web сайт яратилиш тарихи.


Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Электр таъминлаш тизимлари” кафедраси сайтини яратиш учун PHP дастурлаш тилида саҳифа яратамиз, 3.1.1 – расмда келтирилган




3.1.1– расм. “ЭТТ кафедраси сайтнинг бажарилиш жараёни”




3.1.2 – расм. Кафедра мудири ҳақида маълумотларни жойлаштириш жараёни.



3.1.3 – расм. Кафедра профессор-ўқитувчиларнинг маълумотларини жойлаштириш жараёни.




3.1.4 – расм. Кафедра ёрдамчи ўқув ходимларнинг маълумотларини жойлаштириш жараёни.



3.1.5 – расм. Кафедранинг дарсликларини сайтга жойлаштириш жараёни.

2.1 Web сайт тузилиши.

Бугунги кунда бир канча ўқув муассасаларнинг Web сайти яратилганидек, Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Энергия таъминлаш тизимлари” кафедрасининг ҳам Web сайти яратилди. Web сайтнинг структуравий кўринишини келтириб ўтамиз, яъни Web сайтнинг бош ойнаси кўриниши 3.2.1 расмда келтирилган.



3.2.1 расм. Сайтнинг бош ойнаси кўриниши.


Бош ойнаси орқали кафедранинг қисқача тарихи ҳақида маълумот олиш мумкин.

“ЭТТ кафедраси” сайти қуйидаги менюлардан иборат

- Кафедра тарихи
- Кафедра таркиби
- Кафедранинг ўқув ишлари
- Кафедранинг маънавий ва маърифий ишлари
- Илмий-услубий ишлар ҳақида
- Илмий ишлар ҳақида


- Хамкорликлар хақида

“Кафедра тарихи” бўлимида асосан кафедранинг бугунги кунгача бўлган тарихи хақида келтириб ўтилган, бунда ўқувчи кафедра тарихи хақида батафсил маълумотга эга бўлиши мумкин.




3.2.2 – расм. Кафедранинг ассистентлар бўлими ойнаси.

Кафедранинг таркиби бўлими орқали кафедрада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар хақида батафсил маълумотга эга бўлиш мумкин. Лавозим бўйича ажратиб олинган, яъни доцентлар, катта ўқитувчилар, ассистент ўқитувчилар ҳамда ёрдамчи ўқув ходимлар га ажратиб қўйилган. Хар бир профессор-ўқитувчи хақида маълумот олиш учун “Маълумотнома” гипермуружати босилса бўлди ва ўша профессор-ўқитувчининг маълумотномаси компьютерга юкланади.



3.2.3 – расм. Дарсликлар бўлими ойнаси.

Дарсликлар бўлими орқали кафедрада ўқитиладиган фанларнинг дарсликларини юклаб олиш имкони бўлади.




3.2.4 – расм. Тадбирлар бўлимининг ойнаси.




3.2.5 – расм. Тадбирлар бўлимининг ойнаси.

Тадбирлар бўлиmidан кафедрада ва бириктирилган гуруҳларда ўтказилган тадбирлар хақида маълумотга эга бўлиш мумкин.



3.2.6 – расм. Хамкорлик бўлимининг ойнаси

Хамкорлик бўлими орқали кафедра билан хамкорлик олиб борилаётган касб хунар коллежлари ва лицейлар хақида маълумот олиш мумкин.



3.2.7 – расм. Боғланиш бўлимининг ойнаси

Боғланиш бўлими орқали кафедра бўйича ўзининг қизиқтирган саволлари бўйича кафедра мудирини билан билан алоқада бўлиши мумкин, яъни савол ёки таклифларни кафедра мудирини электрон манзилига юборилади ва жавоб олинади.

4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЭКОЛОГИЯ

Инсон жамиятни тараққий эттириш ҳамда ишлаб чиқаришни бошқаришда асосий куч эканлигини ҳисобга олиб, унинг хавфсизлигини ва соғлигини сақлаш ижтимоий тараққкиёт йўлидаги муҳим омил ҳисобланилади. Шунинг учун ҳам саноат корхоналарида маҳсулот етиштириш жараёнида ишлаб чиқариш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг келиб чиқиши манабаларини йўқотиш, шунингдек иш фаолияти инсон учун чарчаш, толиқиш ва касалликнинг манбаи бўлмасдан қўвонч ва бахт келтирувчи фаолият бўлишини таъминлашга ҳараркат қилиш зарур.

Ўзбекистонда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий, техник ва санитария-гигиена қоидалари билан белгилаб қўйилган қонунлар қабул қилинган ва янгидан тахрир қилинган қоидалар умумжаҳон талаблари даражасида ишлаб чиқилмоқда.

4.1. Шахсий компьютер билан жиҳозланган хоналарга бўлган эргономик талаблар ва техник эстетика

Компьютер ўрнатиладиган хонага компьютерлар сонига қараб туриб, қуйидаги талаблар қўйилади: таълимни ахборотлаштириш бу тингловчиларни компьютерда назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш билан бажарилади. Шунинг учун компьютер хонасида 5 тадан 20 тагача компьютер ўрнатилиши мумкин. 5 та компьютер ўрнатилган хона ўлчамлари қуйидагича бўлиши керак: 6x10x2,8 метр.

Иш мобайнида қуйидагилар тақиқланади:

- кийимнинг юқори чўнтакларида бегона металл буюмлар, айниқса ўзининг таркибида магнитланган темирга эга бўлган буюмларни сақлаш;

- малакаси иккинчи тоифадан паст бўлган шахсларни хонада бир ўзи ишлаши;
- машинанинг ток оқиб ўтадиган қисмларига тегиниш;
- манбага уланган компьютердан платаларни олиш ва қўйиш, шунингдек ажралишли ёки боғланишли уланишларни ажратиш ёки улаш;
- тармоққа уланган компьютернинг устки қопқоғини ечиш;
- ахборотни тасвирловчи модул (монитор) қопқоғини очиш, чунки электрон —нур трубкага юқори кучланиш берилади;
- вентиляцион тирқишларни беркитиш;
- малакавий масъулиятга эга булмаган фойдаланувчиларга компьютерда пайдо бўлган носозликларни созлашга рухсат бериш;
- бошқа номиналга эга бўлган сақлагичларни ишлатиш;
- носоз машиналар билан ишлаш;
- иш вақтида узоқ танаффусларга машинани ёқиқ, ҳолда ташлаб кетиш;

Киритиш/чиқариш қурилмалари (монитор, клавиатура, ва сичқонча) эргономик эксплуатация ва соғлиқни асраш учун мўлжалланган. Шунингдек, киритиш/чиқариш қурилмаларини носоз ишлаши, қўлни нотўғри қўйиш ёки тўғри ўтирмаслик, узоқ вақт узлуксиз клавиатура ёки сичқонча орқали ахборот киритиш инсон танасининг зўриқишига ва чарчашига олиб келиши мумкин. Кўзни зўриқишига, мушакларда асаб тизимини сусайишига, бўғимларда оғриқ пайдо бўлишига ҳам сабабчи бўлади. Бу ҳолат қуйидаги маслаҳатларга амал қилинганда сезиларли даражада камайиши мумкин.

Иш жойида монитор шундай жойлашиши керакки, ёруғлик иложи борица юқоридан бурчак остида тушиши керак. Монитор деразага нисбатан ёни билан туриши, иш столи эса, ёритувчи қурилмалар орасида туриши керак. Кўзни зўриқтирадиган, тўғри (кўриш майдонига тушаётган ёруғлик

манбаи) ва қайтган (экрандан қайтган ёрутлик) ёруғликдан иложи борича химояланиш керак. Бунинг учун иш жойини ўзгартириш керак.

Монитордаги тасвирнинг ёритилганлиги, равшанлиги ва контрасти бажарилаётган ишга ва хонанинг ёритилганлигига боғлиқ ҳолда созланиши керак. Монитор, ҳужжатлар ва клавиатура шундай жойлашиши керакки, уларни ёруғлик манбасига нисбатан жойлашганлигига боғлиқ бўлган юзаларидаги равшанлик 1:10 нисбатдан ошиб кетмаслиги керак (1:3 нисбат тавсия этилади).

Клавиатура ва сичқончани шундай жойлаштириш зарурки, уларнинг эксплуатациясида сезиларли кучланишлар пайдо бўлмаслиги керак. Клавиатурани тананинг юқори қисмига нисбатан параллел равишда, сичқончани эса, айнан клавиатура сатҳида жойлаштириш керак.

Стол чети билан клавиатура ораси 5—10 см бўлиши керак.

Мониторни шундай жойлаштириш керакки, ундаги тасвирни бошни ёки танани бурмасдан кўриш мумкин бўлсин. Мониторгача бўлган масофа 70 см дан ошмаслиги зарур (оптимал масофа 30 см). Ҳужжатлаштириш қурилмалари ва тез—тез ишлатиб турилмайдиган техник воситалар оператордан ўнг томонда, максимал эришиш зонасида жойлаштириш, алоқа воситалари эса чап томонда ўнг қўлни ёзиш учун бўш қолдириш мақсадида жойлаштириш тавсия этилади. Ҳужжатгача бўлган масофа ҳудди монитор учун мўлжалланган масофадек бўлиши керак. Стол ёки стулнинг баландлиги операторнинг бўйига қараб мослаштирилади.

Стулнинг суянчиғи умуртқа поғонасини бел қисмига тегиб турадиган ва оператор тўғри ўтира оладиган бўлиши керак.

Ўтирганда оёқларнинг букилган бурчаги 90° ва ундан юқорини ташкил қилиши зарур. Ахборот киритиш вақтида қўлнинг тирсақдан то кафтгача бўлган қисми пол билан параллел бўлиши, елкалар эса эркин ҳолда бўлиши керак.

Монитор тасвирнинг юқори чеккаси кўз чизиғида булиши зарур.

Бу маслаҳатларнинг ҳаммаси компьютер билан ишлашда танаъзоларини толиқтирмасдан, зўриқтирмасдан ишлашини таъминлайди.

Маълумки, компьютер техникаси электромагнит нурланиш манбаи ҳисобланади.

Компьютер техникасини ишлаб чиқариш жараёнида автоматикани, тезкорликни, аниқликни оширади. Лекин бу қурилмани ҳимоясиз ишлатиш инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши муқаррардир.

- компьютер билан жиҳозланган иш жойидаги электромагнит майдон даражаси компьютер таъминот вилкасини тармоқ розеткасига мўлжалланишига боғлиқ ҳолда 3-5 мартта ўзгаради.

- иш жойида кўчирма тармоқ филтрларини ишлатишда электромагнит майдон даражаси тез кўтарилади.

- статистик маълумотларга қараганда замонавий компьютерларнинг 20% фоизига яқини электромагнит майдон ҳосил қилиш даражаси бўйича олдинги ишлаб чиқарилган моделларидан камроқ фарқ қилади.

Шунингдек, корхоналарда ишлатиладиган европа стандарти бўйича бажарилган электр таъминот розеткалари амалиётда компьютер таъминот вилкасини ерга уловчи ўтказгич билан керакли контактни таъминлаб бера олмайди.

- иш жойида дисплей экранларига ўрнатилган, паст частотали ўзгарувчан электр майдонни камайтириши кафолатланган ҳимоя филтрлари одатда 2-4 марттадан куп камайтира олмайди.

- ҳимоя филтрларининг материаллари ва уларнинг хужжатларида ўзгарувчан электромагнит майдонни камайтириш бўйича кўрсатилган 95-99% кўрсаткич ҳеч қачон реал шароитда эришилмайди. Бундай филтрлар иш жойида экрандаги электростатик потенциални камайтириши мумкин.

- ихчам компьютерлар (ноутбук)ни эксплуатациясида ҳам тўлиқ ҳавфсизлик таъминланмайди. Тўғри паст кучланиш истеъмол қиладиган

бу компьютерлар экранда электростатик потенциал ҳосил қилмасда, лекин таъминот тизимида ўрнатилган импульсли ўзгартиргичлардан ҳосил бўладиган ўзгарувчан электромагнит майдон қиймати сезиларли даражада мавжуд.

Хатто ноутбукларнинг айрим турларидаги электромагнит майдон электрон - нур трубкали дисплейларда ҳосил қилинадиган майдондан унчалик кам эмас.

Компьютерни эксплуатация қилишда ўтказилган текширувлар шуни кўрсатадики, электромагнит хавфсизликни таъминлаш компьютерларнинг сифатига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ўзининг маълум аҳамиятига эга.

Компьютер техникаларининг сифати, керак бўлган ташкилий ва техник тадбирларни нарҳи ва ҳажмига, тавсифига ҳал қилувчи аҳамиятни касб этади. Лекин бундай тадбирларда мажмуани ўзи компьютер билан ишлаганда меҳнат шароитида гигиеник меъёрлар талабини таъминлашни кафолатлаш учун масъулиятли жойга эга бўлиши керак.

Мутахассисларнинг электромагнит хавфсизлик соҳасидаги ишлаш малакалари шуни кўрсатадики, бу муоммо ҳал қилиниши мумкин ва уни ҳал қилишда ҳамма нарса етарли: илмий қўшимча ишлаш ва муоммони ҳал қилиш усуллари тасдиқлаш, мутахассислар, ўлчов техникалари, химоя воситалари ва ҳ.к. Бу борада ўз ичига компьютер эксплуатацияси бўйича мутахассисларни ўқитишни, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари ва компьютер билан ишлашда хавфсизлик талабларини қондира оладиган махсулаштирилган лабораторияларни, компьютер ишлатиладиган иш жойларида баҳолаш усули бўйича техник воситаларни танлашни, нурланишни ўлчаш ва камайтириш усуллари, компьютердан фойдаланиладиган иш жойини ташкиллаштириш усуллари ва оптимал иш тартибини ўз ичига олувчи тизимли ёндашиш зарур. Айнан шундай комплексли ёндашиш шахсий

электрон ҳисоблаш машинаси билан ишлаганда иш жойида электромагнит хавфсизликни таъминлайдиган намунали дастурни таклиф қилади.

Ахборот асри кўпчилик созхалар учун ўзининг мажбуриятларини бажариш усулида драматик ўзгаришларга олиб келди. Ҳозир ўрта даражадаги техник мутахассислар бўлмаганлар ҳам, илгари юқори малакали дастурчи қилган ишини бажариши мумкин. Ходим ўз ихтиёрида ҳеч қачон эга бўлмаган бир қанча аниқ ва оператив ахборотларга эга бўлади.

Компьютерлар биринчи пайдо бўлган вақтда улар фақат уларни ишлата оладиган сон жиҳатдан унчалик кўп бўлмаган мутахассисларга тегишли бўлган. Одатда улар иш жойидан ҳудудий жиҳатдан узокрок бўлган махсус биноларда жойлаштирилган.

Ҳозирда эса компьютерлаштириш автоматикаси анча ривожланди, бажариладиган ишларни осонлаштиради, лекин инсон саломатлигига озми—кўпми салбий таъсир қилмоқда. Бундай нурланишдан ҳимояланиш чораларини кўриш глобал муоммоларга айланган ва уни ҳал қилишда кўп ҳимоя воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Мутахассисларнинг фикри бўйича 50 см масофада электростатик майдон таъсири инсон учун ҳавфсиз даражагача камайдди. Махсус ҳимоя филтрларини қўллаш орқали уларни ноль қийматгача камайтириш мумкин. Лекин монитор ишлаганда нафақат унинг экрани электрланади, балки хона ичидаги ҳаво ҳам электрланиши табиий, албатта. Бу ҳолда ҳаво ўз ҳолатини ўзгартиради, яъни ўзида мусбат заряд тўплайди, мусбат электрланган кислород молекуласи инсон организмига кислороддек сингмайди ва нафақат ўпкани бўш ишлашига, балки ўпкага чангларнинг микроскопик заррачаларини ҳам олиб келади.

Компьютер хонасида стол ва стулларга талаблар мавжуд бўлиб, стол баландлиги ердан 68-77 см бўлиб, стуллар эса айланувчан бўлиши керак ва албатта орқасида суянчиғи бўлиши керак. Чунки стол-стуллар ўз габарити билан тўғри келмаса, фойдаланувчи тезда чарчаб қолади ва зерикашга олиб келади. Стол ва стуллар шундай жойлаштирилиши керакки, улар инсонларга туриб юришга халақит бермаслиги керак. Бундан ташқари, ўқитувчи бемалол ҳар битта тингловчини олдига бориб, уни қилган хатоларини компьютерда бемалол кўрсата олиши керак.

Монитор кўздан озгина пастроқда ва 50 смдан кам бўлмаган масофада жойлашиши керак. Монитор ва кўз орасидаги масофа 60-70 см бўлиши тавсия қилинади, бу масофа кичик бўлса, инсонни кўзи тезроқ чарчайди. Мониторни дизайни ва ранги ўзига эътиборни жалб қилмаслиги керак. Шунинг учун мониторнинг сирт томонида ҳар хил реклама ёпиштирғичларини олиб ташлаш керак. Мониторнинг экрани зангори ва кўк рангларга бўялиши шарт. Чунки бу ранглар инсон кўзига энг яхши ранглардан ҳисобланади.

Компьютер билан ишлаш вақтида инсон қуйидаги факторлардан чарчайди:

- Экранни ёруғлиги;
- Контраст ва фон ўртасидаги аниқлиги;
- Компьютерда ишлаш пайтидаги иссиқликдан нурланиши;
- Компьютерда нурланишнинг инсонга таъсири;
- Компьютер бузуқлиги.

Компьютер хонасига талаблар.

Хонанинг шипи ок-кўк фон балан оқланиши, деворлари эса яшил рангга оқланиши керак. Бу ранглар ва офтоб нурланиши бизга керакли ранг иқлимини яратиб беради.

4.2. Меҳнатни муҳофаза қилинишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда меҳнатни, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган стандартлари, қоида ва меъёрларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўли билан ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган талаблар даражасини белгилайди. Шунингдек, касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар, касб касалликларининг олдини олишга оид Республиканинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини ишлаб чиқади ва молиявий таъминлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади. Вазирликлар ва идоралар тегишли касаба уюшмаси идоралари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилашга оид тармоқ дастурларини ишлаб чиқадилар ва молиявий таъминлайдилар.

Корхона маъмурияти, ёлловчи, мулкдор ёхуд улар ваколат берган бошқарув идораси корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрларининг талаблари, шунингдек, жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди. Корхоналарнинг ишловчилари республиканинг тегишли қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари жамоа шартномалари билан белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари талабларга риоя этишлари шарт. Стандартлар, эргономика, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоидалар ва меъёрлар талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ҳамда қайта қуриш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш, технологияларни жорий этишга, шу жумладан хорижда сотиб олинганларини жорий этишга йўл қўйилмайди.

Ҳеч бир янги ёки қайта қурилаётган корхона, ишлаб чиқариш воситалари агар улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда бериладиган хавфсизлик шаҳодатномасига эга бўлмаса, фойдаланишга қабул қилиниши ва ишга туширилиши мумкин эмас.

Белгиланган тартибга рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган корхоналар Ўзбекистон Республикасининг тегишли нозорат идоралари берадиган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини таъминловчи рухсатномани олдиндан тақдим этишлари шарт. Корхонанинг кўрсатилган рухсатномани олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиғи ҳамда ҳаётига хавф туғдирувчи корхоналар фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тўхтатиб қўйилиши керак. Йўл қўйиладиган энг кўп меъёрлари (концентрацияси) ишлаб чиқилмаган ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтмаган зарарли моддаларни ишлаб чиқаришда қўллаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат ва корхоналар олий ва ўрта махсус ўқув юртларида корхоналарнинг меҳнатни муҳофаза қилиш учун мутахассислар тайёрлашни таъминлайдилар. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари халқ хўжалиги турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабалар ва ўқувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш курсини албатта ўтишларни ташкил этишлари керак. Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар ва бошқа хўжалик бошқаруви идоралари меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида ишлаш учун мутахассисларнинг қайта ихтисослашувини таъминлайдилар. Меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш давлат томонидан, шунингдек мулк шаклидан қатъий назар жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилади ва меҳнатни муҳофаза қилиш учун тегишли бюджетлардан алоҳида қайд билан ажратиладиган бюджет маблағлари (республика ва маҳаллий) бошқарув ҳамда нозорат идораларини сақлаш, илмий-тадқиқот ишларини молиявий таъминлаш, меҳнатни

муҳофаза қилишга оид давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини бажариш учун фойдаланилади.

Ҳар бир корхона меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларни жамоа шартномасида белгиланадиган миқдорда ажратади. Корхоналарнинг ходимлари ана шу мақсадлар учун қандайдир қўшимча чиқим қилмайдилар.

Корхоналар ўзининг хўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятдан келадиган фойда (даромад), шунингдек бошқа маблағ ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилишнинг марказлаштирилган фондларини ташкил этиш ҳуқуқига эга. (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май қонуни таҳририда-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1998 йил 5-6 сон, 102 модда).

Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағларни бошқа мақсадларга ишлатиш тақиқланган бўлиб, фондларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши иштирокида белгиланади.

Корхоналар фойдасининг меҳнатни муҳофаза этишга оид адабиётлар, плакатлар, бошқа тарғибот воситаларини нашр этиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига, шунингдек, илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик ташкилотлари фойдасининг жамоани ва ишловчиларни якка тартибда ҳимоялаш воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш муҳитини назорат қилиш асбоблари ва дозиметрия воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш ва мавжуд воситаларини сотиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига имтиёзли солиқ солинади.

Корхонадаги, ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли, зарарли омиллари устидан назорат

ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиллаган меъёрларда махсус кийим, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, пархез овқатлар бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битмда кўзда тутилади.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар, бошқа хўжалик органлари касаба уюшмалари Марказий (республика) қўмитаси билан келишиб ўзлари тасдиқлайдиган низомга мувофиқ меҳнат муҳофазаси ишларини мувофиқлаштириб борадилар.

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган низомлар асосида ишлайди ва ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг мутахассислари барча ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этишларини назорат қилиш, тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган

нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг мутахассислари уларнинг хизмат вазифаларига таалуқли бўлмаган ишларни бажаришга жалб этилишлари мумкин эмас. Айрим бир вақтда меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари корхона фаолияти тўхтатилган тақдирдагина тугатилади.

4.3. Барқарор ривожланиш шартлари ва хавфсизлик масалалари

Инсон ва табиат муносабатларидаги кескин ўзгаришлар кейинги икки аср давомида фан ва техника ютуқларининг ишлаб чиқаришда, маиший ҳаётда кенг татбиқ этилиши, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги жадаллашгани билан боғлиқ. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидаёқ ер юзида аҳоли сонининг кескин кўпайиши, фан-техника тараққиётининг юқори суратлари, иқтисодиётнинг ривожланиши кўзга ташлана бошлади. Инсон аста - секин табиатдан бегоналаша борди.

Инсоният тарихи табиат тарихи билан яхлит олиб қаралгандагина, инсоннинг амалий ва назарий фаолиятини аниқловчи муносабатларнинг турли йўналишларда ривожланишини кўзатиш имкони туғилади. Бунда биринчи йўналишни — инсон ва жамиятнинг табиатга муносабати (инсон — табиат, жамият — табиат тизими); иккинчисини — одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар (инсон — инсон тизими); учинчисини — инсоннинг ишлаб чиқарувчи куч сифатида табиатни ўзгартирувчи ва ўзлаштирувчи субъект эканидан иборат (инсон — технология — табиат тизими). Бугунги кунда инсоннинг бу тизимлардаги амалий фаолият кўлами экологик муаммолар ҳарактерини белгилаб бермоқда. Шунинг

учун табиат-жамият тизимининг ўзаро таъсири билан боғлиқ муаммоларни, инсон — табиат муносабатини фалсафий-услубий нуқтаи назардан ҳам, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа йўналишлар доирасида ҳам ўрганиш лозим.

Инсон ғайриэкологик хатти-ҳаракатлари билан ўзини ҳалок қилувчи хавф-хатарни яратади. Инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида табиий муҳитга ва ўзига таъсир этиш кўлами геометрик прогрессия тарзида ўсиб бораётгани билан ижтимоий ташкиллаштирилган антропоген омилга айланди. Бинобарин, жамият-табиат муносабатлари ривожига саноатлашув жараёнининг босими ҳам геометрик прогрессия бўйича ўсиб бориши кузатилмоқда. Хусусан, беқиёс табиий захираларнинг тугаб бориши, атроф-муҳитнинг кескин ифлосланиши, экотизимдаги мувозанатнинг, тарихан вужудга келган биосферадаги табиий мутаносибликнинг бузилиши ана шу босим натижасидир.

Экология муаммоси инсон ҳаёти, фаолияти билан бевосита боғлиқ жараён. Агар одамлар, кишилиқ жамияти бўлмаса, экологик маданиятга ҳам эҳтиёж бўлмас эди. Жамиятда инсон ижтимоий фаолияти бошланиши билан экология масаласи ҳам юзага келди. Ижтимоий жамиятнинг ривожланиши, одамнинг меҳнат фаолияти, тафаккур доираси ўсиши билан экологик вазият яъни атроф муҳитни, табиатни муҳофаза этиш масъулияти, вазифаси, жараёни ҳам мураккаблашиб борди. Ўзбекистон Президенти И.Каримов таъкидлаганидек «Инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг ривожланиши қонуниятларини ҳисобга олмай, жадал юритилган хўжалиқ фаолияти, ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, балиқларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва ҳоказоларнинг рўй беришига олиб келади» - Ана шунинг учун ҳам ҳозирги ваътда экология муаммоси Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатлар даражасига кўтарилди.

Шу илмий ҳақиқатни энди очиқ айтиш керакки, тоталитар совет тузуми шароитида табиатни, атроф муҳитни муҳофаза қилиш масаласига тўраларча, лоқайдлик билан муносабатда бўлинди. Бу муаммога ҳатто ҳукумат арзирли маблағ ҳам ажратмасди. Жамиятнинг, инсоннинг табиатга, биосферага муносабатини мувофиқлаштириб турувчи бирон-бир расмий меъёрий дастур, қонунлар мажмуаси ҳам йўқ эди. Ана шунинг учун жамият ҳам, одамлари ҳам табиатга, фаунага ва флорага, заминга, унинг моддий бойликларига нисбатан хохлаганларидек, истаганларидек «муносабатда» бўлдилар. Фақат айрим ватанпарвар, ташаббускор олимлар, ташкилотчилар экологик мавзуларида илмий-тадқиқотлар олиб бордилар, тавсиялар бердилар. Надоматлар бўлсинки, уларнинг таклиф ва нидолари қоғозларда қолиб кетди, холос. Тадқиқотчи С.Дехқонхўжаева ўзининг докторлик диссертацияси тасдиғини олиш учун собиқ марказга 19 йил қатнади, кутди. Сабаби, ўз ишида пахтани турли хил заҳарли химикатлар билан дефоляциялаш оқибатида аҳоли орасида лимфа безлари, буқоқ, камқонлик, бепуштлик билан оғриган касаллар кўпайиб бораётганлиги, пахта далаларида ишлаётган аёллар ўлик, ногирон фарзанд тугаётганликларини лаборатория текширишидан ўтказиб, илмий асослаб, исботлаб берганлиги марказлик тўраларга ёқмаган эди. Шу йилларда чақалоқларнинг ўлик туғилиши бўйича Ўзбекистон собиқ иттифок республикалари орасида биринчи ўринда турар эди. Бундай аянчли ҳолатлар тўғрисидаги мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси экология муаммоси давлат назоратидан тамоман четда бўлганлигининг белгисидир.

Ўзбекистонда экологик хавф тубдан глобаллашиб жаҳон фожиасига айланишининг бир қанча, ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган сабаблари мавжуд:

Биринчидан, мамлакат табиий, минерал-хом ашё, ер ва ҳ. бойликларидан интенсив усулда, жуда катта харажатлар, исрофгарчиликлар йўли билан фойдаланилганлик натижасидир. Чунончи жуда ҳам катта майдондаги қуруқ ва бўз ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритиш ҳисобига ялпи ҳосилдорлик ошириш. Чўл ерларни суғориш учун

дарёларнинг табиий ўзанлари сунъий равишда, валюнтаристик, тарзда ўзгартиршди, кўплаб йирик сув ҳавзалари барпо этилди. натижада ер майдонлари шўрлана бошлади, ер эрозиясига учради, чўл худудларининг иқлим шароити ўзгарди, фауна ва флора дунёсига жиддий зарар етказилди, экологик мувозанат бузилди.

Иккинчидан, маҳаллий хомашё ҳисобига ишлайдиган кўплаб йирик саноат корхоналари барпо этилди. Улар тўлиқ қувват билан ишладилар. Ўз навбатида корхоналарнинг атрофлари ҳар хил заҳарли чикитлар билан тўлиб-тошди. Бироқ уларни қайта ишлаб, тозалайдиган тегишли иншоотлар қурилмади. Натижада йирик миқдордаги заҳарли, зарарли саноат чикиндилари атмосферани, сув ҳавзаларини, ер майдонларини ифлослантирди. Аҳолининг саломатлигига жиддий зарар етказа бошлади. Йирик гидроэнергетика, ирригация иншоотларши, транспорт ва темир йўл коммуникацияларини, нефть-газ қувурларини ва. ҳ. барпо этиш натижасида кўплаб қишлоқлар, аҳоли кўрғонлари бутунлигича, тамоман йўқ бўлиб кетди. У жойларда яшовчи аҳолининг ижтимоий фаолияти, турмуш тарзи бузилди.

Учинчидан, инсон ўзининг ноёб ақл —заковати, интеллекти билан, айна вақтда ўзининг ва ўзгаларнинг экологик хавфсизлигини ўйламаган ҳолда, фан-техникада жаҳоншумул аҳамиятга молик кашфиётлар қилмоқда, янгиликлар яратмоқда. Оммавий қирғин қуролларнинг ўнлаб турлари барпо этилмоқда, синалмоқда ва сақланмоқда. Ўзбекистон Президенти И.Каримов жиддий огоҳлантирганидек,- «Фан-техника тараққиёти жадал суратлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсири тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувазанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда». Экологик муаммо аллақачон бир мамлакат доирасидан чиқиб бутун ер юзини қоплаб олди. Аммо унинг кескинлик даражаси дунёнинг ҳар бир мамлакати ва минтақасида турлича, ўзига хос хусусиятлари

мавжуд. Марказий Осиё аллақачон экологик хавфли минтақалар сирасига кирганлиги аччиқ хақиқат.

Тўртинчидан, демографик жараёнлар билан боғлиқ муаммолар. Ҳозирги вақтда аҳоли миқдори минтақавий мазмунда ҳам, жаҳон миқёсида ҳам жуда тез ва катта суръатларда кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолиси ҳар йили 500 минг кишига кўпаймоқда. Биргина Хитой, Ҳиндистонда дунё аҳолисининг учдан бир қисми яшамоқда. Бу омил кўшимча турар жой, озиқ-овқат, кийим-кечак, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия муассасалари, иш ўринлари каби ўта долзарб жараёнлар билан боғлиқ. Бу муаммолар ҳамма мамлакат ва минтақаларда талаб даражасида ҳал қилинмоқда деб бўлмайди. Бунга сув тошқинлари, zilзила, локал урушлар ҳам жиддий таъсир қилмоқда.

Бешинчидан, Ўзбекистонда ҳосилдор ер миқдорининг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавфлар. Мамлакатимиз ҳудуди турли маъданларга бой. У аҳолининг моддий турмуш фаровонлигини таъминлаб турибди. Бироқ, айти вақтда бу бойликларга мамлакатнинг келажагини белгилаб берадиган омил деб ҳам қараш зарур, зеро унинг иктисодий демографик вазифаси тобора ошиб, кучайиб бормоқда. Мазкур муаммони инсон омили, эҳтиёжи каби талаблар билан биргаликда таҳлил қиламиз. Масалан: Ўзбекистон умумий майдонининг (447,4 минг км) атиги 10 фоизинигина экин майдонлари ташкил этади. Демак, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилаётган ер майдонларига тўғри келаётган демографик юк ҳозирданок жуда салмоқли. Унинг устига Ўзбекистонда аҳоли зичлиги жуда юқори бўлиб, ўртача бир км га 51,4 киши тўғри келади. Ваҳоланки бу кўрсаткич Қозоғистонда - 6,1, Қирғизистонда - 22,7, Туркменистонда - 9,4 кишини ташкил этади. Агар Ўзбекистонда ҳар бир одамга 0,17 гектар экин майдони тўғри келса, Қозоғистонда - 1,54, Украинада - 0,59, Россияда - 0,67, Қирғизистонда - 0,26 гектарни ташкил этади. Бунинг устига республикамизда жами аҳолининг 60 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшаётганлигини ҳисобга олсак, қишлоқларимизда одам заҳираларининг мутлоқлигини

кўрамиз. Бу ҳолат бир қанча ижтимоий, иқтисодий, социал, маданий, маънавий муаммоларни келтириб чиқаради.

Олтинчидан, экологик хавф бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон глобал ҳалокатига айланиши билан боғлиқ муаммолар. Бинобарин ҳозирги вақтда экологик хавф миллий ва минтақавий чегарадан чиқиб, дунё халқларининг умумий муаммосига айланди. Табиат ва инсон алоқалари қонуниятлари бузилди. Экологик ҳалокатлар тобора кучайиб бормоқда. Масалан, Қирғизистоннинг Мойлисой шахталари атрофида минглаб тонна уран чиқиндилари оддийгина қилиб кўмиб кўйишган, худди шундай ҳолат Ўзбекистоннинг Навоий вилоятида ҳам мавжуд. Тожикистоннинг алюмин заводидан чиққан заҳарли моддалар Сурхондарё вилоятининг Узун, Сариосиё, Денов, Шўрчи туманларига чексиз ҳалокатлар келтирмоқда. Буқоқ касали билан оғриётганлар миқдори тобора ошиб бормоқда, одамлар ва ҳайвонларнинг тишлари тушиб кетмоқда, мевали боғлар, узумзорлар кўриб битди, одамлар уй жойларини ташлаб, бошқа вилоятларга кўчиб кетмоқдалар. «Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 12 минг тоннадан кўп, собиқ совет даврида Германиядан келтирилган, ўта заҳарли дефолянтлар сақланмоқда. Давлат томонидан уларни ишлатиш ман қилинган. Эндиликда у ажал ҳақиқатларини кўмиб ҳам, куйдириб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди. Ҳар йили Орол қирғоқларидан 75 миллион тоннагача тузли чанг-тўзон кўтарилиб, 400 км даги атрофга тарқалмоқда. Бу ҳолдаги экологик фожиаларни алоҳида бир давлат бартараф қила олмайди.»

XXI аср ибтидосида инсон бошига тушган экологик ҳалокат тўғрисида яна кўплаб исбот талаб қилмайдиган далилларни келтириш мумкин. Аммо ачинарлиси шундаки, инсоният ўзининг ижтимоий, илмий-техник ва ҳ. Ҳ. фаолияти натижасида экологик ҳалокатни келтириб чиқарди-ю, у хавфдан ҳимояланиш технологиясини, маданиятини ярата олмади. Бу инсон омилининг жамиятдаги буюклик ва ожизлик диалектикасидир.

Хулоса

Хулоса қилиб, битирув малакавий ишда энергия таъминлаш тизимлари билан ишлаш имкониятини берувчи сайт яратилди. Яратилган сайт қўйидаги хусусиятларни ўз ичига олди, булар Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Энергия таъминлаш тизимлари” кафедраси ҳақида, кафедра тарихи, кафедра таркиби, кафедра ўқув ишлари, илмий ишлари илмий-услубий ишлар, маънавий ахлоқий ишлар ҳақида, янгиликлар бўлими, ҳамкорлик ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтирилган.

БМИ ни бажариш давомида қўйидаги ишлар амалга оширилди:

- Web дастурлаш тили бўлган HTML ва динамик HTML тили ўрганилди ва битирув малакавий ишини бажариш вақтида кенг қўлланилди.
- PHP ва JavaScript тилидан фойдаланиб, саҳифаларга дизайн берилди.
- Web сайтлар ишлаш технологияси келтирилди .

- Маълумотлар омбори ўрганилди, хусусан битирув малакавий иши доирасида MySQL маълумотлар омбори ўрганилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. - Т.:Шарқ, 2001-йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 1088 Қарори. 2009-йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси тизимини жаҳон стандартларига жавоб берадиган техника билан қайта жиҳозлаш тўғрисида”ги № 412 Қарори. 1997-йил.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: «Ўзбекистон». 1997 й.
5. Уилтон П. ЖАВАССРИПТ. Основы. Символ-плюс. 2002г. - 1056 с.
6. Кингли-Хью Э., Кингли-Хью К. ЖАВАССРИПТ 1.5: Учебный курс. Питер. 1-е издание. 2002г. – 240 с.
7. Дронов В. ЖаваСкрипт в Веб дизайне. Питер. 2001г. - 250 с.
8. Вуль В.А. Оболочка для создания электронных учебников ОСУ 2.0. Руководство по созданию книг // МОЦНИТ, 2002г. – 52 с.
9. Аверин Д.В. Рекомендации по созданию электронных учебных пособий // Методические журнал «Мир русского слова», № 2, 2002г. – 150 с.
10. Хэйзер Уильямсон. Универсальный Динамис ХТМЛ. «Питер» 2001г. – 304 с.
11. Демирчоглян Г.Г. Компьютер и здоровье. – М.: Издательство Лукоморье, Темп МБ, Новый Центр, 1997 г. – 256 с.

12. Экология и безопасность жизнедеятельности: Учебное пособие для студентов ВУЗов/ ред. Л. А. Муравий, 2002.
13. Белов С.В. Безопасность жизнедеятельности М.: Высшая школа. 2003.
14. ЁрматовҒ.Ё., Исамухамедов Ё.У. Мехнатни мухофаза қилиш. Дарслик. Ўзбекистан нашриёти. Тошкент 2002.
15. Технологии WEB-дизайна и Флэш-технологии. Ахромов Я.В. 2004 г. Feniks.
16. <http://www.alpe.ru>
17. www.cmsobzor.ru
18. www.cmslist.ru
19. <http://mysql.com>
20. <http://www.fast.no>
21. <http://devshed.com>
22. <http://www.php.net>
23. <http://www.apache.org/dyn/cliser.cgi>
24. <http://apache.rinet.ru/dist/httpd/binaries/win32/>
25. http://www.softtime.ru/info/php_ru.php